

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Тошкент Давлат юридик институти**

Н. Алиматова

**Мантиқ
фанидан маъруза матнлари**

Тошкент-2011

1-мавзу. МАНТИҚНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ. АСОСИЙ ТАФАККУР ҚОНУНЛАРИ.

- 1.Тафаккур-мантиқнинг ўрганиш предмети
- 2.Тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча
- 3.Мантиқ ва тил
- 4.Мантиқ фанининг назарий ва амалий аҳамияти

Тафаккурнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар: 1.Тафаккурнинг оламни умумлаштириб ва мавҳумлаштириб акс эттириши; 2.Тафаккурнинг тил билан чамбарчас боғлиқлиги; 3.Тафаккур дунёни фаол акс эттириш жараёни эканлиги; 4.Тафаккур дунёни воситали акс эттириш эканлиги таҳлил этилиши лозим.

Мантиқ фани тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фандир. “Мантиқ” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “сўз”, “таълимот”, “фан” деган маъноларни билдиради.

Мантиқ фанининг асосчиси Қадимги Юнонистонлик файласуф Аристотель ҳисобланади.

Тафаккур шакллари деб, фикр мазмунини ташкил этувчи элементлар ўртасидаги боғланиш усулига айтилади. Тафаккур шаклларига қуйидагилар киради: тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш.

Тушунчада фикр мазмунини ташкил этувчи элементлар акс эттириладиган **предметнинг умумий ва муҳим белгилари** ҳисобланади. Масалан, «инсон» тушунчасининг мазмунини инсонга хос бўлган умумий ва муҳим белгилар, яъни инсоннинг онгли мавжудот эканлиги, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши ва меҳнат воситаларини яратиш қобилиятига эгалиги ташкил этади.

Ҳукмда фикр мазмунини ташкил этувчи элементлар **тушунчалар** ҳисобланади. Тушунчалар ўзаро боғланиб, ҳукмни ташкил этади. Масалан, “Ўзбекистон-мустақил давлат” ҳукмида иккита тушунча, яъни “Ўзбекистон” ва “Мустақил давлат” тушунчалари ўзаро боғланиб келган. “-“ белгиси боғловчи вазифасини бажармоқда.

Хулоса чиқаришда фикр мазмунини ташкил этувчи элементлар **ҳукмлар** ҳисобланади. Масалан, Барча мажлис иштирокчилари овоз бердилар. Салимов Н.-мажлис иштирокчиси. Демак, Салимов Н. Овоз берган. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, хулоса чиқаришда учта ҳукм ўзаро боғланиб келмоқда.

Тафаккур қонуни деб, фикрлар ўртасидаги зарурий, муҳим боғланишларга айтилади. Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлайди. Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритиш демакдир. Мантиқда тўртта формал-мантикий қонун ўрганилади. Айният қонуни, Нозидлик қонуни, Учинчиси истисно қонуни, Етарли асос қонуни. Бу қонунларнинг талабларига риоя қилиш фикр юритишнинг аниқ, изчил, асосли бўлишини таъминлайди ва хато фикрлар ҳосил қилишдан сақлайди. Тафаккур шакллари ва қонунлари объектив характерга эга. Улар объектив олам инъикоси, предметлар ўртасидаги алоқадорликнинг инсон онгида акс этиш формаларидир.

Айнийат қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: маълум бир предмет ва ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир. У «А-Адир» формуласи орқали берилади.

Зиддият қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки зид фикр бир вақтда бир нисбатда чин бўлиши мумкин эмас. Бу қонун “А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди” формуласи орқали берилади.

Учинчиси истисно қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида бир-бирини инкор қилувчи икки зид фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда, айни бир нисбатда хато бўлиши мумкин эмас, уларнинг бири албатта чин, иккинчиси албатта хато бўлади, учинчи ҳолатнинг бўлиши истисно. Учинчиси истисно қонуни “А В ёки В эмасдир” формуласи орқали берилади.

Етарли асос қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: Ҳар бир предмет ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикримиз ҳам асосланган бўлиши керак. Бу қонуннинг талабига биноан ҳар қандай предмет ва ҳодиса ҳақида айтилган фикр асосланган бўлиши керак. Етарли асос қонуни «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд» формуласи орқали берилади.

Мантиқнинг тил билан боғлиқлиги масаласида тилнинг моҳияти, функциялари ҳамда мантиқнинг сунъий тили ёритилиши лозим.

Тил идеал шаклда мавжуд бўлган фикрни ифода қилувчи моддий ҳодисадир. **Тил** инсоннинг амалий фаолияти давомида вужудга келадиган ахборотни мустаҳкамлашга, узатишга ҳамда кишилар ўртасида алоқани ўрнатишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш учун хизмат қиладиган информацион белгилар тизимидан иборат. Демак, тил 1) фикрни ифода қилувчи восита ва 2) фикр алмашиш куролидир.

Табиий ва сунъий тиллар фарқ қилинади. Табиий ёки миллий тилни шу тилни ифода қилувчи ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган график белгилар (ёзув белгилари) ва товушларнинг (нутқнинг) информацион тизими ташкил этади. Сунъий тиллар эса табиий тиллар асосида яратилган ёрдамчи белгилар тизимидан иборат бўлиб, улар мавжуд ахборотларни аниқ ва тежамли узатиш учун хизмат қилади.

Тил тафаккурнинг (фикрнинг) мазмунини ҳам, шаклини (тузилишини) ҳам ифода қилади.

Тил белгиси маълум бир объектни акс эттиради ва демак, у ўз мазмунига эга. Масалан, “талаба” сўзи реал мавжуд объектни-талабани акс эттирувчи фикр маъносини англатади. Тил белгисининг мазмунга эга бўлиши унинг семантик характеристикасини ташкил этади. Фикрлаш объекти предметлар (моддий ва идеал), уларнинг хоссалари ва муносабатлари бўлганлиги учун асосий семантик категориялар предмет номлари (предметни, предметлар тўпламини акс эттирувчи терминлар), предикаторлар (предметнинг хоссаларини ва муносабатларини акс эттирувчи терминлар) ҳисобланади. Улар мантиқда деакриптив терминлар деб аталади. Гап ҳам семантик категориялар қаторига кирилади.

Фикр юритиш процессида мантикий терминлар ҳам ишлатилиб (“ва”, “ёки”, “эмас” каби ифодалар) , улар дескриптив терминларни боғлашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, “Тегель ва Фейербах – немис классик файласуфларидир” деган гапда “ва”сўзи мантикий термин, қолганлари эса дескриптив терминлардир.

Дескриптив, мантикий терминлар предмет ва ҳодисалар ҳақида фикр юритишнинг асосий элементлари бўлиб, улар маълум бир усулларда, маълум бир қоидаларга асосланиб боғлангандагина ўзининг мазмунига эга бўлган фикрни ифода қилади. Демак, тил белгиси тафаккурнинг шаклини ҳам ифода қилади.

Тафаккур шаклини аниқлаш мавжуд фикрларни формаллаштиришни тақозо этади. Формаллаштириш конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш (яъни пропозиционал функция ҳосил қилиш), формулалар киритиш, мантикий қоидаларни шакллантириш орқали тафаккурнинг структурасини, шаклини ифода қилиш демакдир. Бошқача айтганда у фикрлашни мантикнинг сунъий формаллашган тилига кўчиришдан иборат. Бу тилни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

а) предикатлар мантиғи тили. Предикатлар мантиғи фикрлаш жараёнини ҳукмларнинг ички структурасини ҳисобга олган ҳолда анализ қилувчи формаллашган тизим бўлиб, унинг алфавити қуйидагилардан иборат:

1) $a, b, c, \dots$, - предмет номларини ифодаловчи символлар, уларни константалар деб ҳам аташади;

2) $x, y, z, \dots$, - предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар;

3) $p, q, r, \dots$ - предикаторлар учун символлар, бунда 1-бир ўринли предикаторни, 2-икки ўринли предикаторни, n - n ўринли предикаторларни билдиради;

4) $p, q, r, \dots$ - пропозиционал ўзгарувчилар учун символлар;

5) -ҳукмларнинг микдорий характеристикасини билдирувчи символлар, уларни кванторлар деб аташади, хусусан $\forall$ - умумийлик квантори, $\exists$ - мавжудлик квантори.

б) ҳукмлар мантиғи тили алфавити. Ҳукмлар мантиғи ҳукмлар ўртасидаги боғланишни ўрганади. Унинг алфавити қуйидагича:

1) $\cap$ - конъюнкция белгиси: у ўзбек тилидаги “ва”, “ҳам”, “ҳамда” каби боғловчиларга тўғри келади. Масалан, $A \cap B$ формуласини “Ўқитуқчи келди (A) ва дарс бошланди (B)” деб ўқиш мумкин.

2) $\vee$ – дизъюнкция белгиси, у ўзбек тилидаги “ё”, “ёки”, “ёхуд” каби айирувчиларга тўғри келади. Масалан, “Салимов ё “Фалсафа” кафедрасида ё “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасида ишлайди.

3) $\rightarrow$ - импликация белгиси. Унга ўзбек тилидаги “Агар ... бўлса, ... бўлади” деган ифода тўғри келади. Масалан, “Агар ёмғир ёгса (A), ер ҳўл бўлади (B)” деган ҳукмни $A \rightarrow B$ деб ёзилади.

4) $\leftrightarrow$ - эквивалентлик белгиси, унга ўзбек тилида “фақат ва фақат шундаки...” деган ибора тўғри келади. Масалан, “Жамиятни қайти қуришни (A) фақат халқ оммасининг фаол иштирокидагина амалга ошириб бўлади” (B). $A \leftrightarrow B$.

5) $\bar{A}$ - инкор қилиш белгисидир. Масалан, A – “Ёмғир ёғаяпти” бўлса, $\bar{A}$ - “Ёмғир ёғмаяпти” бўлади.

Инсоннинг тафаккури мантиқ қонунларидан қатъий назар ўзи мантикий қонунларга бўйсунган равишда мавжуд бўлади. Кўп кишилар имло қоидаларини билмаган ҳолда тўғри гапирганлари каби мантиқ қонунларини билмай ҳам тўғри фикрлайдилар. Лекин бундан мантиқнинг амалий аҳамияти йўқ деган хулоса келиб чиқмайди. Бундай қараш тарафдорлари Гегелнинг “Ҳар ким физиология қонунларини билмай ҳам овқатни тўғри ҳазм қилганидек, мантиқ қонунларини билмай тўғри фикрлашлари мумкин”¹лиги тўғрисидаги фикрини келтиришади.

Мантиқнинг асосий вазифаси - одамларни тафаккур қонунлари ва шакллари оғли равишда қўллашга ва шу орқали ўзини ўраб турган оламни тўғри билишга ўргатишдан иборат.

Мантиқни билиш тафаккур маданиятини юксалтиради, бошқаларнинг фикрларига танқидий муносабатни шакллантиради.

Юристу мантиқни билиш мантикий изчил, асосланган нутқни тайёрлаш, жабрланувчи, гувоҳ, айбланувчининг кўргазмаларидаги зиддиятларни очиб ташлаш, оппонентларнинг асосланмаган фикрларини рад этиш, суд версиясини қуриш, расмий ҳужжатни изчил ва асосланган ҳолда тузишга ёрдам беради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тафаккур қандай хусусиятларга эга?
2. Тафаккур шакли нима?
3. Тафаккурнинг қандай қонунларини биласиз?
4. Фикрнинг чин бўлиши ва шакл жиҳатдан тўғри қурилиши нимани англатади?
5. Формал мантиқ нимани ўрганади?
6. Мантиқнинг билишда ва ҳуқуқий амалиётда аҳамияти қандай?
7. Асосий формал-мантикий қонунларнинг моҳияти ҳақида нималарни биласиз?
8. Айният қонунининг талаби нимадан иборат?
9. Зиддият қонунининг талаби нимадан иборат?
10. Учинчиси истисно қонунининг талаби нимадан иборат?
11. Етарли асос қонунининг талаби нимадан иборат?
12. Асосий формал-мантикий қонунларнинг аҳамияти нимадан иборат?

ТУШУНЧА


1. Тушунчанинг умумий мантикий тавсифи
2. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми
3. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар
4. Тушунчалар устида бажариладиган амаллар

¹ Энциклопедия философских наук. М., 1975. Т.1. С.110

Биринчи саволни ўрганишни тушунчанинг таърифни таҳлил этишдан бошлаш лозим. **Тушунча** деб, предмет ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини ифода этувчи тафаккур шаклига айтилади. Шу таърифни таҳлил қилсак. **Белги** деб, предметларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари, жиҳатларига айтилади. Предметларнинг **умумий ва якка** белгилари мавжуд. (1-расм) **Якка белги** деб, айти шу предметнинг фақат ўзига тегишли белгига айтилади. Масалан, криминалистикада шахсни идентификация қилиш жараёнида фойдаланиладиган бармоқ излари фақат бир кишига тааллуқли бўлиб, жиноятчининг шахсини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. **Умумий белги** деб, икки ва ундан ортиқ предметларга хос бўлган белгиларга айтилади. Масалан, “давлат” тушунчасида барча давлатларга хос белгилар назарда тутилади.

Тушунчанинг тилдаги ифодаси сўз ҳисобланади. Тушунча сўз ва сўз бирикмалари орқали ифода этилади. Тилдаги омоним ва синоним сўзларнинг қандай тушунчаларни ифодалашига эътибор бериш лозим. Омоним сўзлар шакли бир хил бўлса-да, турли тушунчаларни ифода этади. Синоним сўзлар шакли ҳар хил бўлса-да, бир хил тушунчаларни ифода этади.

Тушунчада акс этадиган белгилар



(1-расм)

Тушунчанинг мазмуни деб, унда ифода қилинаётган предметга хос белгилар йиғиндисига айтилади.

Тушунчанинг ҳажми деб, унда ифода этилаётган предметларнинг йиғиндисига айтилади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўзаро тескари миқдорий нисбат қонунига асосан боғланган. Бу қонунга асосан **тушунчанинг ҳажми қанча катта бўлса, мазмуни шунчалик тор ва аксинча бўлади**. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари миқдорий нисбат қонуни тушунча устида бажариладиган кўп амаллар асосида ётади. Тушунчалар устида бажариладиган амалларга қуйидагилар киради: тушунчани умумлаштириш ва


чегаралаш, тушунчани таърифлаш, тушунчани бўлиш, тушунчани қўшиш ва айириш.

Тушунча ҳиссий билиш шаклларидан фарқли ўлароқ инсон миёсида тўғридан-тўғри пайдо бўлмайди. У маълум бир мантикий усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади. Бу усуллар таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш ва умумлаштиришдан иборат.(2-расм)

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос, индивидуал белгилари аниқланади.

Таққослаш анализни тақозо қилади. Чунки предметларни яхлит ҳолда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланади. Бунинг учун бу хоссалар фикран ажратилиши лозим. Анализ ёрдамида предмет фикран уни ташкил этувчи қисмлар, томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида ўрганилади. Синтез анализга тескари усул бўлиб, у ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун ҳолига келтиришдан иборат. Анализ ва синтез узвий боғлиқдир. Синтез бўлмаса предмет ҳақида яхлит фикр ҳосил қилиб бўлмайди.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар билан аниқланган умумий ва индивидуал белгиларининг муҳимлари ажратилиши, номуҳимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса **мавҳумлаштириш** ёрдамида амалга оширилади. **Умумлаштиришда** эса предметлар уларнинг умумий, муҳим хусусиятларига кўра группаларга бирлаштирилади ва шу тариқа битта тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фарқ қилиш имконияти вужудга келади.




(2-расм)

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг аниқ шаклда намоён бўлишидир.

Тушунчалар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан, “талаба”, “Тошкент Давлат юридик институти” ва шу кабилар.

Тушунчалар мазмуни ва ҳажми бўйича бир қанча турларга бўлинадилар. (3-расм)

Ҳажмига кўра якка ва умумий тушунчалар фарқ қилинади. Якка тушунчанинг ҳажмида битта предмет фикр қилинади. Масалан, “Самарқанд шаҳри”, “Аристотель” ва шу кабилар якка тушунчалар бўлади. Умумий тушунчалар предметлар гуруҳини акс эттиради. “Шаҳар”, “Файласуф” тушунчалари умумий тушунчалардир. Умумий тушунчалар акс эттирувчи предметлар миқдори чегараланган ва миқдори чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, “кимёвий элемент” тушунчасида фикр қилинадиган предметлар сони чегараланган, уларни ҳисоблаб чиқиш мумкин. “Элементар заррачалар” тушунчаси ҳажмини ташкил қилувчи предметлар сони эса чексиз.




(3-расм)

Умумий тушунчалар акс эттирувчи предметлар миқдори чегараланган ва миқдори чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, “кимёвий элемент” тушунчасида фикр қилинадиган предметлар сони чегараланган, уларни ҳисоблаб чиқиш мумкин. “Элементар заррачалар” тушунчаси ҳажмини ташкил қилувчи предметлар сони эса чексиз.

Мазмуни бўйича тушунчалар мавҳум ва аниқ тушунчаларга бўлинадилар. Аниқ тушунчаларда предметлар ўзининг хусусиятлари билан биргаликда фикр қилинади. Мавҳум тушунчаларда эса предметнинг хусусияти (предметлар ўртасидаги муносабатлар ҳам) ундан фикран ажратилиб олиниб, алоҳида акс эттирилади. Масалан, “талаба”, “институт” тушунчалари – аниқ тушунчалар, “беғаразлик”, “ғўзаллик” тушунчалари мавҳум тушунчалардир.


Нисбатдош ва нисбатсиз тушунчаларни ҳам ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустақил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. “Олий ўқув юрти”, “давлат” тушунчалари ана шундай тушунчалардир. Нисбатдош тушунчалар эса бир-бирининг мавжуд бўлишини зарурий равишда тақозо қиладиган предметларни акс эттиради. Масалан, “Қуллар” ва “Қулдорлар”, “Ака” ва “Ука”, “Сабаб” ва “Оқибат” тушунчалари нисбатдош тушунчалардир. У ёки бу тушунчанинг қайси тушунча турига киришини аниқлаш унга **мантиқий тавсиф бериш** дейилади.



(4-расм)

Объектив дунёдаги барча предмет ва ходисалар ўзаро алоқада бўлгани учун уларни акс эттирувчи тушунчалар ҳам ўзаро алоқада, муносабатларда бўлади. Тушунчалар ўртасида таққосланадиган ва таққосланмайдиган муносабатлар мавжуд. (4-расм) Объектив реалликнинг бир-бирига яқин томонларини акс эттирувчи тушунчалар ўртасида **таққосланадиган муносабатлар** мавжуд. (5-расм) Масалан, “талаба” ва “спортчи” тушунчалари ёки “депутат” ва “юрист” тушунчалари ўртасида умумийлик мавжуд. Аммо шундай тушунчалар мавжудки, улар объектив реалликнинг бир-биридан узоқ


томонларини акс эттириб, ўзаро умуман боғлиқликка эга эмас. Бундай тушунчалар ўртасидаги муносабатлар **таққосланмайдиган** муносабатлар деб аталади. Масалан, “олий мажлис” ва “космос”, “атиргул» ва “чавандоз” тушунчалари ўртасида умумийлик мавжуд эмас. Мантиқ фақат таққосланадиган муносабатларни ўрганади. Тушунчалар ўртасидаги таққосланадиган муносабатлар сиғишадиган ва сиғишмайдиган муносабатларга бўлинади. **Сиғишадиган** тушунчаларнинг ҳажми бир-бирига бутунлай ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва бўйсунуш муносабати. Мослик муносабатидаги тушунчалар битта предметни акс эттирувчи тушунчалар бўлиб, улар фақат бир-биридан фақат мазмуни билангина фарқ қилади. Масалан, “Арасту”, “Мантиқ фанининг асосчиси”, тушунчалари шу муносабатдадир. Буни қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин.



Қисман мослик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажми қисман умумийликка эга. Масалан,

А – Талаба

В – “Камолот” ижтимоий ҳаракатининг аъзоси




Доираларнинг штрихланган қисмлари бир вақтнинг ўзида ҳам талаба, ҳам “Камолот” ижтимоий ҳаракатининг аъзоси бўлганларни билдиради.

Бўйсунуш муносабатидаги тушунчаларнинг бирининг ҳажми иккинчисининг ҳажмига тўлиқ кириб, уни ташкил қилувчи қисм ҳисобланади. Масалан:

А – Суд


В – Туман суди



Бу муносабатдаги тушунчалардан бири бўйсиндирувчи (А), иккинчиси бўйсунувчи бўлиб (В), улар жинс-тур муносабатларида бўладилар. Жинс тушунча предметлар синфини, тур тушунча эса шу синфга кирувчи предметлар гуруҳини ёки биттасини акс эттиради. Мантиқда тушунчанинг жинс ёки тур эканлиги нисбий характерга эга. Ҳар бир тушунча ўзидан умумийроқ тушунчага нисбатан тур, ўзидан торроқ тушунчага нисбатан жинсдир. Масалан, “Суд” тушунчаси “Ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган” тушунчасига нисбатан тур, “Жиноий ишлар бўйича суд” тушунчасига жинс бўлади.

Сиғишмайдиган муносабатдаги тушунчалар ҳажм жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалар ҳисобланиб, бир синфга кирувчи ҳар хил предметларни ёки предметлар гуруҳини акс эттиради. Бу тушунчалар ўртасида ҳам уч хил муносабат бор: бирга бўйсунуш, қарама-қаршилик, зидлик.

Бирга бўйсунуш муносабати қуйидаги тушунчалар ўртасида мавжуддир.



А – Суд

В – Жиноий ишлар суди
С – Фуқаролик ишлари суди


Бунда “Жиноий ишлар суди” ва “Фуқаролик ишлари суди” тушунчалари ҳажм жиҳатидан биргаликда “Суд” тушунчасининг ҳажмига бўйсунди.

Қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажмлари бир-бирини истисно қилади. Улар предметнинг (предметлар гуруҳининг) қарама-қарши белгиларини акс эттиради. Қарама-қаршилик муносабатдаги тушунчалар ўзлари бўйсунадиган тушунчанинг ҳажмини тўлиқ қопламайди. Масалан, “Оқлов ҳукми” ва “Айблов ҳукми” тушунчалари “Суд ҳукми” тушунчасининг ҳажмини тўлиқ эгалламайди.

А – Суд ҳукми

В – Оқлов ҳукми

С – Айблов ҳукми



Зидлик муносабатидаги тушунчалардан бири предметнинг бирор хусусиятини ифода этса, иккинчиси эса уни инкор қилади ва мазмун жиҳатидан ноаниқ бўлиб қолади. Зидлик муносабатидаги тушунчалар ўзлари бўйсунётган тушунчанинг ҳажмини тўлиқ қоплайди. Масалан:


В – Айбли

С – Айбсиз


ёки


В – Вояга етган

С – Вояга етмаган



Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш фикрларимизни боғлашга, бир фикрдан бошқа фикрга ўтишга имкон беради.





(5-расм)

4. Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари миқдорий нисбат қонунига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Тушунчаларни чегаралаш ҳажми кенг тушунчадан фикран ҳажми тор тушунчага ўтишдан иборат. Масалан, “Терговчи” тушунчасидан “Прокуратура терговчиси” тушунчасига ўтсак, унинг ҳажмини чегаралаган бўламиз. Яъни жинс тушунчадан тур тушунчага ўтамиз. Натижада мазмун жиҳатдан кенгроқ, лекин ҳажм жиҳатдан торроқ тушунча ҳосил бўлди. Чегаралаш амалини давом эттириб, “Туман прокуратураси терговчиси” тушунчасига ўтиши мумкин. Чегаралаш амалини яқка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттириш мумкин. Чунки яқка тушунчага нисбатан тур тушунча мавжуд бўлмайди. **Тушунчаларни умумлаштириш** чегаралаш амалига тескари амал бўлиб, ҳажми тор тушунчадан ҳажми кенг тушунчага (турдан жинсга) фикран ўтишдан иборат. Умумлаштириш амалини энг умумий тушунчалар, яъни категорияларгача давом эттириш мумкин. Чунки категорияларга нисбатан жинс тушунча мавжуд эмас.

Масалан: **тушунчани чегаралаш**

А – Терговчи

В – Прокуратура терговчиси

С – Туман прокуратураси терговчиси

Д – Ҳамза тумани прокуратураси терговчиси

Е – Ҳамза тумани прокуратураси терговчиси Содиқов

Тушунчани умумлаштириш

А – Ҳамза тумани прокуратураси терговчиси Содиқов

В – Ҳамза тумани прокуратураси терговчиси

С – Туман прокуратураси терговчиси

Д – Прокуратура терговчиси

Е – Терговчи

Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш амаллари воситасида тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми чуқурроқ ўрганилиши, фикрлаш предмети аниқлаштирилиши мумкин.

Тушунчаларни бўлиш тушунчанинг ҳажмини унда акс этган предметларни айрим гуруҳларга ажратиш йўли билан аниқлашга бўлиш дейилади. Бўлиш амалида бўлинувчи тушунча (ҳажми аниқланиши лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қилинаётган бирор белгиси), бўлиш аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил бўладиган тур

тушунчалар) иштирок этади. Масалан, “Учбурчак” тушунчасини (бўлинувчи тушунча) бурчагининг катталигига қараб “Ўткир бурчакли учбурчак”, “Ўтмас бурчакли учбурчак”, “Тўғри бурчакли учбурчак” (бўлиш аъзолари) тушунчаларига бўлиш билан унинг ҳажми аниқланади. Бўлинувчи тушунча жинс тушунча, бўлиш аъзолари тур тушунчалар бўлиб, улар ўзаро бирга бўйсунуш муносабатидадир.

Тушунчаларни бўлиш амалини предметларни қисмларга ажратишдан фарқ қилиш лозим. Масалан, китобни муқова ва варақларга ажратсак, уни қисмларга ажратган бўламиз. Предметнинг қисми унинг умумий белгиларига эга эмас. Шунинг учун “муқова- китоб” дея олмаймиз.

Бўлишнинг икки тури мавжуд: асос бўлган белгисининг ўзгаришига қараб бўлиш, дихотомик бўлиш. **Асос бўлган белгисининг ўзгаришига қараб бўлиш**да предметнинг бирорта белгиси бўлиш учун асос қилиб олиниб, унинг ўзгаришига мос ҳолда предметларнинг айрим гуруҳлари аниқланади. Масалан, жинсий ҳатти-ҳаракатнинг хавфлилиги даражасининг ўзгаришига қараб “Жиноят” тушунчаси “Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят”, “Унча оғир бўлмаган жиноят”, “Оғир жиноят”, “Ўта оғир жиноят”ларга ажратилади. Бўлиш асоси қилиб бўлинувчи тушунчанинг мазмунида фикр қилинадиган турли умумий белгиларни олиш мумкин. Бўлиш амали тўғри бориши учун бўлиш қоидаларига риоя этиш керак. Булар қуйидагилар:

1.Бўлиш тенг ҳажмли бўлиши керак, яъни бўлиш аъзоларининг йиғиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмига тенг бўлиши керак. Бу қоида бузилса, бўлиш тўлиқсиз ёки ортиқча бўлиб қолади.

2.Бўлиш бир асос бўйича амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, асос қилиб олинган белги бўлиш давомида бошқа белги билан алмаштирилмаслиги лозим.

3.Бўлиш аъзолари бир-бирини истисно қилиши керак. Бунинг учун улар бирга бўйсунуш муносабатида бўлиши лозим.

4.Бўлиш узлуксиз бўлиши, унда сакраш бўлмаслиги керак. Бунинг учун жинс тушунчага энг яқин бўлган бир тартибдаги тур тушунчалар олинмоғи лозим.

Дихотомик бўлиш тушунчани ўзаро зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини вояга етган ва вояга етмаган фуқароларга, талабаларни аълочи ва аълочи бўлмаган талабаларга ажратсак, дихотомик тарзда бўлган бўламиз. Дихотомик бўлишни бир марта амалга оширилганда кутилган мақсадга эришиш мумкин. Агар бўлиш аъзоларидан бирини, айниқса инкор тушунчани бўлинувчи тушунча сифатида олиб, бўлишни давом эттирсак, хато натижалар келиб чиқади.

Тушунчаларни таърифлаш (дефиниция).

Таърифлаш ёки дефиниция тушунчанинг мазмунини очиб берадиган амалдир. Таърифлаш аниқланувчи ва аниқловчи қисмлардан ташкил топади. Аниқланувчи қисм – мазмуни очиб берилиши лозим бўлган тушунча, аниқловчи қисм эса – аниқланувчи тушунчанинг мазмунини очиб берувчи тушунчадир. Масалан, “ Фалсафа – “инсон-олам” тизимидаги энг умумий алоқадорликларни ўрганувчи фан” деган таърифда “Фалсафа” – аниқланувчи қисм, қолганлари эса аниқловчи қисмдир. Тарифлашнинг турлари унинг билиш

жараёнида бажараётган вазифасига қараб ажратилади. Таърифлаш билишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) таъриф берилаётган тушунча ифода қилувчи предметнинг муҳим белгиларини кўрсатади; 2) бу предметнинг шунга ўхшаш бошқа предметлардан фарқини кўрсатади; 3) тушунчани ифода қилувчи сўзнинг (атаманинг) маъносини очиб беради. Юқоридаги вазифалардан қайси бирининг ҳал қилинишига қараб номинал ва реал таърифлар фарқ қилинади. **Номинал таърифлар** ёрдамида предметни тасвирловчи ифодалар янги термин билан алмаштирилади ҳамда унинг маъноси аниқланади. Масалан, “Мантиқ” сўзи араб тилидан олинган бўлиб “сўз”, “таълимот”, “фан” деган маъноларни англатади, десак мантиқ тушунчасига номинал таъриф берган бўламиз. Реал таърифлаш предметнинг муҳим белгисини аниқлаш демакдир. Масалан, “Жиноят - Жиноят кодекси билан таъқиқланган, айбли, жазоланиши лозим бўлган ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат” деган таъриф реал таърифга мисол бўла олади.

Яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш реал таърифлашнинг энг кўп ишлатиладиган тури бўлиб, у иккита босқичдан ташкил топади. Биринчи босқичда аниқланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади. Шу тариқа унинг мазмуни қисман очиб берилади. Иккинчи босқичда аниқланувчи тушунчанинг шу жинсга кирувчи бошқа тур тушунчалардан фарқ қилдирувчи белгиси аниқланади, яъни унинг тур белгиси кўрсатилади. Масалан, “Фан” тушунчасининг мазмунини аниқлаш керак дейлик. Бунда аввал аниқланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади, у “билимлар йиғиндиси” тушунчаси. Тур белгиси эса унинг бошқа билимлар йиғиндисидан фарқини кўрсатади. Бу тур белгини яқин жинсга қўшиб “Фан - ўсиб боровчи билимлар йиғиндиси” деган таърифни ҳосил қиламиз. Шу тариқа энг қисқа йўл билан, яъни яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш билан “Фан” тушунчасининг мазмунини аниқладик.

Генетик таърифлашда аниқланувчи тушунчанинг мазмунини у ифодалаган предметнинг келиб чиқишини кўрсатиш орқали очиб берилади. Масалан, “Оксидлар кислороднинг кимёвий элементлар билан реакцияга киришуви натижасида вужудга келадиган бирикмалардир” деган таъриф генетик таърифлашга мисолдир. Бу таърифлашнинг мантикий структураси яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш билан бир хилдир.

Таърифлаш жараёнида маълум қоидаларга риоя этиш лозим:

1. Таърифлаш тенг ҳажмли бўлиши керак. Бунинг учун аниқланувчи ва аниқловчи тушунчалар ҳажм жиҳатидан тенг бўлиши керак.
2. Таърифлаш аниқ бўлиши керак. Бунинг учун образли иборалар, мазмуни ноаниқ сўзлар ишлатилмаслиги лозим.
3. Таърифлашда айлана ҳосил бўлмаслиги керак. Бу қоида бузилганда таъриф бериш учун аниқланувчи тушунчага мурожаат этиб, таърифда айланага йўл қўйилган бўлади. Шу қоида бузилса тавтология деб аталувчи хато ҳосил бўлади. Бунда аниқланувчи тушунчадан унинг мазмунини очиш учун фойдаланилган бўлади. Масалан, “Жиноятчи – жиноят содир этган киши” десак тавтологияга йўл қўйилган бўлади.

4. Таърифлаш иложи борица инкор шаклда бўлмаслиги керак. Билиш жараёнида таърифлашга ўхшаш усуллар ҳам ишлатилади. Улар кўрсатиш орқали таърифлаш (остенсив таърифлаш), ўхшатиш, тасвирлаш, тавсиф бериш ва шу кабилардир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тушунча деб нимага айтилади?
2. Белги деб нимага айтилади?
3. Муҳим ва номуҳим белгиларнинг таърифни келтиринг.
4. Тушунчанинг ҳажми ва мазмуни деб нимага айтилади?
5. Тушунчанинг ҳажми ва мазмуни ўртасидаги муносабат қандай қонунга бўйсунди?
6. Мантиқ тушунчалар ўртасидаги қандай муносабатларни ўрганади?
7. Сиғишадиган ва сиғишмайдиган муносабатларнинг фарқи нимада?
8. Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш деб нимага айтилади?
9. Тушунчалар устида бажариладиган амалларга қайсилар киради?
10. Тушунчаларни бўлиш деб нимага айтилади? Унинг таркиби қандай?
11. Тушунчани бўлишнинг қандай турлари бор?
12. Тушунчани таърифлаш деб нимага айтилади? Таърифлашнинг таркибини тушунтиринг?
13. Тушунчани таърифлашнинг қандай турлари бор?
14. Тушунчаларни таснифлашнинг қандай турлари бор?

“Тушунча” мавзусига оид машқлар

1-машқ. Якка ва умумий тушунчаларни ажратинг.

Масалан:

1. “Тошкент Давлат юридик институти” - якка тушунча
2. “Олий ўқув юрти” - умумий тушунча
- 1.1. Юридик шахс. 1.2. Тошкент вилояти. 1.3. Жиноий хатти-ҳаракат. 1.4. Депутат. 1.5. “Тошкент ҳақиқати”. 1.6. Ҳуқуқ манбаси. 1.7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. 1.8. Ҳуқуқий норма. 1.9. Фан. 1.10. Ёшлар. 1.11. ТДЮИ талабаси. 1.12. Терговчи Содиқов. 1.13. Ҳарбий ҳаво флоти.

2-машқ. Аниқ ва мавҳум тушунчаларни ажратинг

Масалан:

1. “Юридик қонун” - аниқ тушунча
2. “Онгсизлик” - мавҳум тушунча
- 2.1. Сиёсий тизим. 2.2. Жиноятчилик. 2.3. Стратегия. 2.4. Иккиюзламачилик. 2.5. Адвокат. 2.6. Тенглик. 2.7. Космик кема. 2.8. Беғаразлик. 2.9. Ватан. 2.10. Зиддият. 2.11. Йўлдош. 2.12. Мувозанат. 2.13. Боғлиқлик.

3-машқ. Мусбат ва манфий тушунчаларни ажратинг

Масалан:

1. “Қонуний” - мусбат

2. “Ноқонуний”- манфий

3.1. Вафоли. 3.2. Иродасизлик. 3.3. Тартибсизлик. 3.4. Инсонпарварлик. 3.5. Назорат. 3.6. Антифашист. 3.7. Антипатия. 3.8. Ананас. 3.9. Нафрат. 3.10. Лоқайдлик. 3.11. Билағонлик. 3.12. Самарасиз. 3.13. Беғаразлик.

4-машқ. Нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларни аниқланг.

Масалан:

1. “Ота”- нисбатдош

2. “Мактаб”- нисбатсиз

4.1. Сабаб. 4.2. Ишчи. 4.3. Тепа. 4.4. Сиёсат. 4.5. Даъвогар. 4.6. Шакл. 4.7. Пора берувчи. 4.8. Амалиёт. 4.9. Ҳуқуқ. 4.10. Муаммо. 4.11. Жиян. 4.12. Ҳақиқат.

5-машқ. Тушунчанинг тўлиқ мантикий тавсифини беринг.

Масалан:

1. “Юрист”- умумий, аниқ, мусбат, нисбатсиз тушунча.

5.1. Давлат. 5.2. Давлатнинг ғарбий чегараси. 5.3. Айбсизлик. 5.4. Ўқитувчи. 5.5. Адлия вазирлиги. 5.6. Ўғирлик. 5.7. Қахрамонлик. 5.8. Судланганлик. 5.9. Тасодиф. 5.10. Лаёқатсизлик. 5.11. Атеист. 5.12. Қонунийлик. 5.13. Ижтимоий адолат. 5.14. Сиёсат.

6-машқ. Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқланг ва айлана схемалар орқали ифода этинг

Масалан:

1. Жиноят (А). Жиноий ҳуқуқбузарлик (В). Айният муносабати.

2. Овўрўподаги давлат (А). Федератив давлат (В). Қисман мослик муносабати

1. Жазо (А). Қамок (В). Бўйсунуш муносабати.

6.1. Олий ўқув юрти, университет. 6.2. Юрист, парламент депутаты. 6.3. Вазирлик (А). Давлат бошқарув органи (В). 6.4. Ёзувчи, ўзбек ёзувчиси, “Ўткан кунлар” романининг муаллифи. 6.5. Республика, бошқарув шакли. 6.6. Президент, АҚШ президенти, давлат бошлиғи. 6.7. Олим, тинчлик тарафдори, Ўзбекистон Республикаси фуқароси. 6.8. Талаба, тошкентлик, спортчи, аълочи. 6.9. Она, киз, ота-оналар. 6.10. Суд, судья, халқ маслаҳатчиси.

7-машқ. Қуйидаги тушунчаларга айният муносабатида бўлганларини топинг.

Масалан:

7.1. Квадрат. 7.2. Конституция. 7.3. Биринчи ижтимоий-иқтисодий формация.

7.4. Онгли мавжудот. 7.5. Жиноят. 7.6. Башара. 7.7. Ўзбекистон

Республикасининг Олий суди. 7.8. Биринчи космонавт. 7.9. Китоб. 7.10.

“Мантиқ” фанининг асосчиси. 7.11. “Ўткан кунлар” романининг муаллифи.

7.12. Талаба.

8-машқ. Қуйидаги тушунчалар билан қисман мослик муносабатида бўлганларини топинг.

8.1. Талаба. 8.2. Ҳарбий хизматчи. 8.3. Муҳандис. 8.4. Академия. 8.5. Киноактёр.

8.6. Депутат. 8.7. Акция. 8.8. Апелляция. 8.9. Норматив акт. 8.10. Киноактёр.

9-машқ. Қуйидаги тушунчаларга нисбатан бўйсунувчи ва бўйсундирувчи тушунчаларни топинг.

9.1. Дарслик. 9.2. Қисса. 9.3.Кўл. 9.4. Бошқарув шакли. 9.5. Тушунча. 9.6. Мукофот. 9.7. Ёзувчи. 9.7. Прокурор. 9.8. Унитар давлат. 9.9. Комедия. 9.10. Кимёвий элемент. 9.11. Хўжалик жинояти. 9.12. Корхона. 9.13. Жиноят. 9.13. Юридик шахс.

10-машқ. Қуйидаги тушунчалардан қайсилари бутун ва бўлак, қайсилари жинс ва тур муносабатларини ифода этапти?

10.1. Ҳуқуқ тизими, фуқаролик ҳуқуқи.
10.2.Элементар заррача, позитрон.
10.3. Дарахт,шоҳ.
10.4. Ўқув юрти, колледж.
10.5. Драматик асар, трагедия.
10.6. Институт, факультет.
10.7. Мачит, минора.
10.8. Жиноят, қасддан содир этилган жиноят.
10.9. Сиёсий тизим, партия.
10.10. Давлат ҳокимияти, парламент.

11-машқ. Сиғишмайдиган муносабатдаги тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқланг.

Масалан:

1. Телевидение (А). Кундалик нашр (В). Оммавий ахборот воситаси (С). Бирга бўйсунуш муносабати.

11.1. Жиноят, мансаб жинояти, хўжалик жинояти. 11.2. Тўғри чизик, эгри чизик. 11.3.Айбдорлик, айбсизлик. 11.4. Сув тошқини, ер қимирлаши, табиий офат. 11.5. Ҳақиқат, ёлғон. 11.6. Юрист, прокурор, адвокат, терговчи. 11.7. Кучли, кучсиз. 11.8. Мустақиллик, қарамлик. 11.9. Айблов ҳукм, оқлов ҳукм.

12-машқ. Қуйидаги (жинс) тушунчаларга нисбатан бирга бўйсунуш муносабатида бўлганларини топинг

12.1. Жиноят. 12.2. Жазо. 12.3. Солиқ. 12.4. Шаҳар транспорти. 12.5. Олий ўқув юрти. 12.6. Ҳарбий офицер. 12.7. Ҳукм. 12.8.Илмий унвон. 12.9. Спорт ўйини. 12.10. Муסיқа асбоби. 12.11. Шартнома. 12.12.Давлат тузилиш шакли.

13-машқ. Қуйидаги тушунчаларга нисбатан қарама-қаршилик ва зидлик муносабатида бўлганларини топинг.

13.1. Катта. 13.2. Илмий. 13.3. Камбағал. 13.4. Совуқ ҳаво. 13.5. Осон иш. 13.6. Қонуний. 13.7. Чуқур. 13.8 Ҳақиқат. 13.9.Ўртоқ. 13.10. Паст
13.11. Аълочи. 13.12. Ахлоқли.

14-машқ. Қуйидаги тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқланг ва айлана схемаларда ифодаланг.

14.1. Давлат, федерация, унитар давлат. 14.2. Олим, юрист, жамоат арбоби. 14.3. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, полковник, генерал. 14.4. Зўравонлик, мажбурлаш. 14.5. Жазо, озодликдан маҳрум этиш, жарима. 14.6. Университет, олий ўқув юрти, академия. 14.7. “Тинч Дон” романининг муаллифи, рус ёзувчиси, ёзувчи, мутафаккир. 14.8. Диндор, атеист. 14.9. Мансаб жинояти, порахўрлик, лоқайдлик. 14.10. Озод, қарам. 14.11. Қурол, пистолет, ўқотар қурол.

15-машқ. Қуйидаги тушунчаларни умумлаштиринг.

Масалан:

Газета-кундалик нашр.

15.1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси 15.2. Конституция. 15.3. ТДЮИ талабаси. 15.4. Куз. 15.5. Антарктида. 15.6. Бозор иқтисодиёти. 15.7. Федерация. 15.8. Ректор. 15.9. Нотариус. 15.10. Вазир. 15.11. Уруш тарғиботи. 15.12. Ректор. 15.13. Автоном республика Олий суди. 15.14. Жамоат танбеҳи.

16-машқ. Қуйидаги тушунчаларни чегараланг.

Масалан:

Ҳуқуқбузарлик – жиноят.

16.1. Ҳуқуқ. 16.2. Жиноят. 16.3. Қонун. 16.4. Жазо. 16.5. Тафаккур шакли. 16.6. Қадрият. 16.7. Маданият. 16.8. Сиёсий партия. 16.9. Терроризм. 16.10. Гувоҳ. 16.11. Дарслик. 16.12. Планета. 16.13. Давлат. 16.14. Фан.

17-машқ. Қуйидаги тушунчалар тўғри умумлаштирилганми?

17.1. Вазирлар маҳкамаси – ҳукумат. 17.2. Ёз – йилнинг энг иссиқ вақти. 17.3. Туман прокурори – вилоят прокурори. 17.4. Шартнома – битим. 17.5. Йил – ой. 17.6. Ўзбекистон Конституцияси – ҳуқуқ манбаси. 17.7. Калий – металл. 17.8. Адвокат – ҳуқуқшунос. 17.9. Соат – сутка. 17.10. Фуқаролик ҳуқуқи – ҳуқуқ.

18-машқ. Қуйидаги тушунчалар тўғри чегараланганми?

18.1. Давлат – республика. 18.2. Организм – тирик ҳужайра. 18.3. Оркестр – рубоб. 18.4. Жиноят – тухмат. 18.5. Катта офицер – майор. 18.6. Буюк давлат – Хитой. 18.7. Республика – федератив республика. 18.8. Дин – буддизм. 18.9. Жамиятнинг сиёсий ташкилоти – сиёсий партия. 18.10. Жамоат ташкилоти – касаба уюшмаси. 18.11. Сиёсий ҳаракат – антиглобалистлар ҳаракати. 18.12. Терговчи – прокуратура терговчиси.

19-машқ. Тушунчаларни таърифлашнинг турини аниқланг.

Масалан:

“Консенсус” термини латин тилидан олинган бўлиб, “умумий фикр”, “ўзаро розилик” деган маъноларни англатади. Номинал таъриф.

19.1. Мантиқ – тафаккур шакллари ва қонунларини ўрғанувчи фан. 19.2. Бу схема (S-P) – атрибутив ҳукм схемаси. 19.3. Халқ ўз ҳаётий драмасининг

муаллифи ва актёридир. 19.4. Тасодиф – заруриятнинг намоён бўлиш шакли. 19.5. “Фалсафа” юнон тилидаги “fileo” ва “sofia” сўзларидан олинган бўлиб, “донишмандликни севиш” маъносини англатади. 19.6. “Монархия” сўзи юнончада “якка ҳокимлик” маъносини билдиради. 19.7. Республика – ҳокимиятнинг олий идоралари муайян муддатга сайланадиган давлат бошқарув шаклидир. 19.8. Федератив давлат – мураккаб, иттифоқдош давлат. 19.9. Конфедерация – ўз суверенитети, ўз мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда у ёки бу мақсадга

20-машқ. Реал таърифларни номинал таърифларга ва номинал таърифларни реал таърифларга айлантиринг.

20.1. “Норма” сўзи лотинчадан таржима қилинганда, “қоида”, “намуна” маъносини англатади. 20.2. “Конституция” – лотинча сўз бўлиб, унинг том маъноси – “тузиш”, “тузуқ”, “низом”, “тузилиш”, “яратиш” демакдир. 20.3. Ҳуқуқ – давлат томонидан белгиланган ва рухсат этилган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳуқ – атвор қоидаларининг тизими. 20.4. Қонун – умумхалқ овоз бериши (референдуми) орқали ёки мамлакатнинг олий вакиллик органи (Олий Мажлис) томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. 20.5. Ҳуқуқий муносабат – унинг иштирокчилари ўртасидаги ҳақиқий юридик алоқалар бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида намоён бўлади. 20.6. Жисмоний шахслар – ушбу давлат фуқаролари, бошқа давлат фуқаролари (ажнабийлар) ва фуқаролиги йўқ шахслар (апатридлар). 20.7. Ҳаракатлар инсоннинг хоҳиш – иродаси асосида вужудга келадиган юридик фактлардир.

21-машқ. Қуйидаги тушунчаларни асос бўлган белгисининг ўзгаришига қараб бўлинг.

Масалан:

Жиноят (бўлинувчи тушунча)

Оқибатларининг оғирлик даражасига кўра (бўлиш асоси)

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, унча оғир бўлмаган жиноят, оғир жиноят, ўта оғир жиноят (бўлиш аъзолари)

21.1. Ҳуқуқнинг функциялари (бўлинувчи тушунча). 21.2. Ҳуқуқнинг белгилари. 21.3. Давлат. 21.4. Ҳуқуқ. 21.5. Мактаб. 21.6. Мусиқа. 21.7. Ҳуқуқ нормаларининг турлари. 21.8. Ҳуқуқий муносабатларнинг турлари. 21.9. Қонунийликнинг кафолатлари. 21.10. Ҳуқуқбузарлик. 21.11. Битим. 21.12. Жиноят.

22-машқ. Қуйидаги тушунчалар бўлиниши тўғри амалга оширилганми?

Масалан:

“Учбурчак” тушунчаси бурчакларининг ўзгаришига қараб “тўғри бурчакли учбурчак”, “ўткир бурчакли учбурчак”, “ўтмас бурчакли учбурчак”ларга бўлинади. Асос бўлган белгисининг ўзгаришига қараб тўғри бўлинган.

22.1. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: вакиллик демократияси ва бевосита демократия. 22.2. Давлат идоралари қуйидаги турларга бўлинади:

вакиллик идоралари, ижроия идоралари, суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, конституциявий назорат идоралари. 22.3.Республикалар президентлик ва парламентар республикаларга бўлинади. 22.4. Давлат тузуми бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади: унитар, федератив ва конфедератив. 22.5.Давлатнинг функциялари ички ва ташқи функцияларга бўлинади.

22.6. Фукаролар вояга етган, вояга етмаган ва қарияларга бўлинади.

22.7. Мусиқа мумтоз, замонавий ва симфоник мусиқага бўлинади.

23-машқ. Қуйидаги таърифлар тўғрими?

Масалан: Федерация-мураккаб давлат. Нотўғри таъриф. Таърифланувчи тушунча билан таърифловчи тушунчанинг ҳажми тенг эмас.

23.1. Материалист-материалистик қарашларга эга бўлган киши. 23.2. Давлат механизми-жамиятни бошқариш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширадиган давлат идоралари ва муассасалари тизими. 23.3. Конфедерация-мустаҳкам бўлмаган тузилма.

2-мавзу. ҲУҚМ (МУЛОҲАЗА)

1.Ҳукмнинг умумий мантиқий характеристикаси. Ҳукм ва гап

2.Оддий ҳукм, унинг таркиби ва турлари

3. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар

4. Мураккаб ҳукмлар

1.Объектив оламни ўргана борар экан, инсон предметлар ва уларнинг белгилари, предметлар ўртасидаги муносабатларни аниқлайди. Бу боғлиқлик ва муносабатлар тафаккурда ҳукм шаклида акс этади. Ҳукмлар тушунчаларнинг боғланиш усулидир. Масалан, “Салимов–терговчи” ҳукмида “Салимов” ва “терговчи” тушунчаларини боғлаб, аниқ шахс ва унинг белгиси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаяпмиз. “Али Валининг акаси” ҳукмида икки шахс ўртасидаги қариндошлик муносабатлари акс эттирилмоқда.

Боғлиқлик ва муносабатлар ҳукмларда тасдиқ ёки инкор шаклида ифодаланади. “Баъзи жинойтлар қасддан қилинган бўлмади” ҳукмида жинойтларнинг бир қисми билан уларнинг қасддан қилинганлиги ўртасидаги боғланиш инкор қилинмоқда, “Ўзбекистон фукаролари соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эгадирлар” ҳукмида Ўзбекистон фукаролари ва уларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари ўртасидаги боғланиш тасдиқланмоқда.

Ҳар қандай ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин. Шундай ҳукмлар борки, уларнинг чин ёки хатолигини осонгина аниқлаш мумкин, лекин шундай ҳукмлар борки, уларнинг чинлиги бошқа чин ҳукмлар ёрдамида аниқланади. Масалан, “Салимов прокуратурада ишлайди.” ва “Айбланувчи босқинчиликни содир этган.”

Шундай қилиб, **ҳукм (мулоҳаза)-предметлар ўртасидаги, предметлар билан уларнинг белгилари ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни инкор ёки тасдиқ шаклида акс эттирувчи тафаккур шаклидир.**

Хукмнинг тилдаги ифодаси гапдир. Тушунчалар сўзлар ва сўз бирикмаларисиз вужудга келиши ва мавжуд бўлиши мумкин бўлмаганидек, ҳукмлар ҳам гапларсиз вужудга келиши ва мавжуд бўлиши мумкин эмас. Аммо бу ҳукм ва гапларнинг тўлиқ мос келишини англатмайди. Ҳукмлар дарак гаплар орқали ифода қилинади. Дарк гаплардан ташқари сўроқ ва буйруқ гаплар мавжуд. Улар ҳукмларни ифода қилмайди. Ҳукм ва гаплар ўзларининг таркибига кўра фарқ қилади.

Предмет ва унинг белгиси ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги ҳукм 2 тушунча-ҳукм терминлари субъект S (лот. Subjektum) ва предикат P (лот. Predicatum)дан ташкил топади. Субъект-фикримиз қаратилган предметни, предикат эса фикримиз қаратилган предметнинг белгисини акс эттиради. S ва Pдан ташқари ҳукм таркибига икки терминни бирлаштириб турувчи боғловчи ҳам киради, предметга белгининг тегишли ёки тегишли эмаслигини акс эттиради.

Мураккаб гапларда гапнинг бош бўлақларидан ташқари иккинчи даражали бўлақлар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) мавжуд бўлади.

Гапнинг бош бўлақлари одатда ҳукмнинг терминлари билан содда гапларда мос келади. Масалан, “Босқинчилик-жиноят”.


Субъект ва предикат аниқ ифода қилиниш шакллариغا эга бўлмай, мантикий урғу орқали аниқланади. Масалан, “Салимов-олий юридик маълумотга эга” деган гап мантикий урғу ёрдамида уч хил ҳукмни ифода қилиши мумкин: 1) Салимов(бошқа шахс эмас) олий юридик маълумотга эга; 2) Салимов олий (ўрта эмас) юридик маълумотга эга; 3) Салимов олий юридик (бошқа эмас) маълумотга эга.

Грамматик ўзгартирилган ҳолда бу ҳукмлар қуйидаги кўринишда бўлади:

- 1) Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс(S) Салимовдир (P).
- 2) Салимов эга бўлган олий маълумот(S) юридик маълумотдир.(P)
- 3) Салимов эга бўлган юридик маълумот(S) олий маълумотдир.(P)

Турли хил тилларда гапларнинг грамматик қурилиши турличадир. Ҳукмларнинг мантикий тузилиши эса қайси тилда ифодаланишидан қатъий назар бир хилдир.

2.Ҳукмлар оддий ва мураккаб ҳукмларга бўлинади.(6-расм). Икки тушунча ўртасидаги боғланишни акс эттирган ҳукм **оддий ҳукм** деб аталади. Бир нечта оддий ҳукмдан ташкил топган ҳукм **мураккаб ҳукм** деб аталади.



(6-расм)

Оддий ҳукмлар атрибутив, муносабат ва мавжудлик ҳукмларига бўлинади.

Атрибутив (лот.сўз attribution–белги, хусусият) ҳукм деб предметнинг белгиси тўғрисидаги ҳукмга айтилади. Унда предмет ва унинг белгиси ўртасидаги боғлиқлик акс эттирилади. Бу боғлиқлик тасдиқланади ёки инкор қилинади. Масалан: Бу китоб қизил рангда. Жабрланувчининг қариндоши бўлган судья ишни кўриб чиқишда иштирок эта олмайди.


Муносабат ҳукми предметлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Бу муносабатлар тенглик, нотенглик, қариндошлик, макон ва замон, сабаб–оқибат ва бошқа муносабатлар бўлиши мумкин. Масалан, А Вга тенг. С Д дан катта. Ахлоқ ҳуқукдан илгари вужудга келган. Математик мантиқ формал мантиқдан кейин вужудга келган.

Мавжудлик ҳукми бирор предметнинг мавжудлигини ифода этади. Масалан, Тошкент марказида Амир Темур ҳайкали бор. Материя объектив мавжуд.

Атрибутив ҳукмлар оддий–қатъий ҳукмлар деб ҳам аталади. Оддий–қатъий ҳукмлар субъектнинг миқдорига кўра якка, жузъий ва умумий ҳукмларга бўлинади. Масалан, Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади (Ўз.Рес.ЖК 9–м.), (якка ҳукм). Ҳеч ким айнан битта жиноят учун 2 марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (Ўз.Рес.ЖК 8–м.), (умумий ҳукм). Баъзи талабалар интизом қоидаларига риоя этишни билмайдилар (Жузъий ҳукм).

Ҳукмнинг боғловчиси унинг сифатини белгилайди. Сифатига кўра оддий–қатъий ҳукмлар инкор ва тасдиқ ҳукмларга бўлинади. Масалан: Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Оддий ҳукмнинг мантикий структураси



(7-расм)

Оддий ҳукмларнинг бирлашган классификацияси ёки ҳукмларнинг асосий турлари. Бунда ҳукмларнинг сифати ва субъектнинг миқдори ҳисобга олинади. Ҳукмларнинг асосий турлари қуйидагилардир: 1) умумий тасдиқ ҳукмлар. А ҳарфи билан белгиланади (“affirmo”, лотинча –“тасдиқлайман”

сўзининг биринчи ҳарфи). “Ҳамма S Рдир” формуласи орқали ифодаланади. Масалан, “Ҳамма юристлар қонунларни яхши билади”. 2) Жузъий тасдиқ ҳукмлар. I ҳарфи билан белгиланади (affirmo сўзининг иккинчи унли ҳарфи). “Баъзи S Рдир” формуласи орқали ифодаланади. Масалан, “Баъзи талабалар дарсга кечикиб келадилар”. 3) Якка тасдиқ ҳукмлар. A ҳарфи билан белгиланади. “Бу S Рдир” формуласи орқали ифодаланади. Масалан, “Бу китоб Тошкентда нашр этилган”. 4) Умумий инкор ҳукмлар. E ҳарфи билан белгиланади (Nego – лот. “инкор қиламан” сўзининг биринчи унли ҳарфи). “Ҳеч бир S P эмас” формуласи орқали ифодаланади. Масалан, “Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.” 5) Жузъий инкор ҳукмлар. O ҳарфи билан белгиланади (nego сўзининг иккинчи унли ҳарфи). “Баъзи S P эмас” формуласи орқали ифодаланади. Масалан, “Баъзи талабалар дарсга яхши тайёрланиб келмаган”. 6) Якка инкор ҳукмлар E ҳарфи билан белгиланади. “Бу S P эмас” формуласи орқали ифодаланади. Масалан, “Содиқов I-курс талабаси эмас”.

Оддий ҳукмлар модаллигига қараб қуйидаги турларга бўлинади: воқелик, эҳтимоллик, зарурлик ҳукмлари. Ҳукмларнинг модаллиги дейилганда уларда фикрни ифодалаш шаклини тушуниш керак. Воқелик (ассерторик) ҳукмларда бирор факт қайд қилинади. Масалан, “Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришди”. Эҳтимоллик (проблематик) ҳукмларда бирор предмет ёки ҳодиса ҳақида ҳали текширилмаган, эҳтимолий фикр ифодаланади. Масалан, “Бугун мантиқ фанидан дарс бўлмаслиги мумкин”. Зарурийлик (аподиктик) ҳукмларда заруран рўй берадиган воқеалар ҳақидаги фикр ифодаланади. Масалан: “Аксиомалар исбот талаб қилмайдиган фикрлардир”.

Оддий ҳукмларда терминлар ҳажми. Ҳукмнинг субъекти ва предикати ҳажм жиҳатидан характерланади. Ҳукм терминлари икки хил ҳажмда бўлиши мумкин: тўла ҳажмда олинган ва тўла ҳажмда олинмаган. Агар ҳукм термини бир туркум предметларнинг ҳаммасини ифодалаган бўлса, тўла ҳажмда олинган бўлади, акс ҳолда тўла ҳажмда олинмаган бўлади. Масалан, умумий тасдиқ ҳукмларда субъекти тўла ҳажмда олинган, предикат бир хил ҳукмларда тўла олинган, бошқаларида тўла ҳажмда олинмаган бўлади. Масалан, “Барча талабалар мантиқни ўрганадилар” Бунда талабаларнинг ҳаммаси фикр қилингани учун субъект тўла ҳажмда олинган. Мантиқни ўрганувчилар фақат талабалар эмас, улар билан яна бошқалар ҳам бор. Шунинг учун предикат тўла ҳажмда олинмаган. А “Ҳамма оддий ҳукмлар иккита терминдан иборат” каби ҳукмларда субъект ҳам, предикат ҳам тўла ҳажмда олинган. Жузъий тасдиқ ҳукмларда субъекти тўла олинмаган, предикати бир хил ҳукмларда тўла, бошқаларида тўлиқ олинмаган бўлади. Масалан, I “Баъзи спектакллар замонавий мавзуга бағишланган”. Бунда субъект ҳам, предикат ҳам тўла ҳажмда олинмаган. I “Баъзи одамлар иккита чет тилини билади” каби ҳукмларда субъект тўла эмас, предикат тўла олинган, чунки чет тилини биладиганлар одамлардир. Якка тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ва предикати тўла ҳажмда олинган бўлади. Якка ҳукм субъектида бир предмет бир индивид сифатида олингани учун умумий ҳукм сингари субъекти тўла бўлади. Предикати умумий ҳукмнинг биринчи хили сингари тўла олинган бўлади. Умумий инкор ҳукмларнинг субъекти ва предикати тўла ҳажмда олинган


бўлади. Масалан, “Ҳеч бир жисм тинч турмайди”. Жузъий инкор ҳукмларда субъект тўла олинмаган, предикат тўла олинган бўлади. Масалан, О “Баъзи қушлар қишда иссиқ юртларга учиб кетмайди”. Якка инкор ҳукмларнинг субъекти ҳам, предикати ҳам тўла ҳажмда олинган бўлади. Масалан, “Бу одам олий маълумотли эмас”. Ҳукмларда терминлар ҳажмини яхшироқ тушуниш учун доиралардан фойдаланамиз.

Оддий ҳукмларда терминларнинг тақсимланганлиги

Ҳукм турлари Терминлар	A	E	I	O
S	+	+	-	-
P	±	+	±	+

(8-расм)

Оддий ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар



(9-расм)

Юқоридаги чизма-оддий ҳукмлар ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи “мантикий квадрат” номини олган чизма.(9-расм).

Оддий ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар. Ҳар қандай икки ҳукм ўртасида эмас, моддий жиҳатдан бир хил ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритамиз. Субъектлари бир хил, предикатлари бир хил ҳукмлар **моддий жиҳатдан бир хил ҳукмлар** дейилади. Ҳукмлар сифат ва миқдор жиҳатдан фарқ қилишлари мумкин. Оддий ҳукмлар ўртасида қуйидаги муносабатлар бўлиши мумкин: **зидлик муносабати (контрадиктор)** умумий тасдиқ ва жузъий инкор (А – О), ҳамда умумий инкор ва жузъий тасдиқ ҳукмлар (Е – I) ўртасида бўлади. Масалан, А “Ўзбекистоннинг барча вилоятларида пахта етиштирилади”, О “Ўзбекистоннинг баъзи вилоятларида пахта етиштирилмайди”. **Қарама-қаршилик муносабати (контрар)** умумий тасдиқ ва умумий инкор ҳукмлар (А – Е) ўртасида бўлади. Масалан, А. “Барча юристлар қонунларни яхши билади”, Е. “Барча юристлар қонунларни яхши билмайди”. **Жузъий қарама-қаршилик муносабати (субконтрар)** жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукмлар ўртасида бўлади. Масалан, I. “Баъзи

қишлоқлар обод”, О. “Баъзи қишлоқлар обод эмас”. **Бўйсунуш муносабати** умумий тасдиқ ва жузъий тасдиқ ҳамда умумий тасдиқ ва умумий инкор ҳукмлар ўртасида бўлади. Масалан, А. “Барча ёзувчилар “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига эга”, И. “Баъзи ёзувчилар “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига эга эмас”.

Мураккаб ҳукмлар. Ҳукм бир нечта оддий ҳукмлардан ташкил топган бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмларни турларга ажратганда уларнинг таркибидаги мантиқий боғловчининг мазмунига эътибор берамиз. Шунга қараб мураккаб ҳукмларнинг қуйидаги турларни ажратиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи ва шартли ҳукмлар. **Бирлаштирувчи ҳукмларда** субъект ёки предикат, баъзан иккаласи ҳам бирдан ортиқ бўлади. Уларнинг таркибида терминларни тенг боғловчи “ва”, “ҳам”, “ҳамда” (унинг ўрнига мос келувчи бошқа боғловчи) мавжуд бўлади. Масалан, “Тошкент қадимги шаҳар ва маданият маркази”, “Фаробий, Ибн Сино ва Беруний Ўғониш даври Шарқ файласуфлари”. **Айирувчи ҳукмлар** таркибида “ёки” боғловчиси бўлиб, бир нечта предикатларни айириб туради. Масалан, “Абзалов ё 1-ҳуқуқ, ё 2-ҳуқуқ, ё 3-ҳуқуқ факультетида ўқийди”. **Шартли ҳукмлар** таркибида одатда “...бўлса, ... бўлади” сўзлари мавжуд бўлади. Кўпинча икки боғлиқ ҳодиса ҳақида фикр баён қилинади. Шартли ҳукмнинг сабаб ва оқибатни ифодаладиган қисмларида субъект ва предикат алоҳида бўлади. Масалан, “Агар ариза муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, суд уни кўриб чиқмайди”. Бирлаштирувчи ҳукмлар конъюнктив, айирувчи ҳукмлар дизъюнктив, шартли ҳукмлар имплекатив ҳукмлар деб ҳам аталади. Бирлаштирувчи ҳукмлар “ $S \text{ P ва } P1$ ” ёки “ $S \text{ ва } S1 \text{ Pдир}$ ” формуласи, айирувчи ҳукмлар “ $S \text{ P ёки } P1 \text{ ёки } P2\text{дир}$ ” формуласи, шартли ҳукмлар “Агар $S \text{ P бўлса, } S1 \text{ P1дир}$ ” формуласи орқали берилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ҳукм деб нимага айтилади?
2. Ҳукмнинг гап билан алоқадорлигини тушунтиринг.
3. Оддий ҳукмнинг таърифини келтиринг.
4. Оддий ҳукмнинг таркибига нималар киради?
5. Оддий ҳукмларнинг субъект миқдorigа кўра турлари қайсилар?
6. Оддий ҳукмларнинг предикат мазмунига кўра турлари қайсилар?
7. Оддий ҳукмларнинг боғловчисининг характериға кўра турларини айтиб беринг.
8. Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади?
9. Мураккаб ҳукмларнинг қандай турлари бор?
10. Моддий жиҳатдан бир хил ҳукмлар деб нимага айтилади?
10. Оддий ҳукмлар ўртасида қандай муносабатлар бор?
11. Мантиқий квадрат деб нимага айтилади?

“Ҳукм” мавзусига оид машқлар

1-машқ. Ҳукмларни ифода этаётган гапларни топинг.

Масалан:

1. Аҳмад бугун дарсга келадими? – Сўроқ гап, ҳукмни ифода қилмайди.
2. “Янги Органон” асарининг муаллифини топинг! – Буйруқ гап, ҳукмни ифода қилмайди.
3. Наврўзни яхши кўрмаган ўзбек бормикан? – Риторик савол.
 - 1.1. Ҳар қандай жиноят – ҳуқуқбузарлик.
 - 1.2. Ҳар бир киши яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.
 - 1.3. Тергов экспериментининг вазифаларидан бири тергов қилинаётган жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашдир.
 - 1.4. Ҳеч қандай сохта ҳужжат далил бўла олмайди.
 - 1.5. Ҳодислар инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади.

2- машқ. Оддий ҳукмларнинг турини аниқланг.

Масалан:

1. Янги технологияларни татбиқ этиш – ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси. – атрибутив ҳукм (S – P)
2. Термиз Тошкентдан жануброқда жойлашган. – муносабат ҳукми (X R Y)
3. Материя мавжуд.- мавжудлик ҳукми
 - 2.1. Давлат билан жамият айнан бир нарса эмас.
 - 2.2. Давлат жамиятнинг энг муҳим таркибий элементи.
 - 2.3. “Жамият” тушунчаси “Давлат” тушунчасидан кенгдир.
 - 2.4. Давлат жамият ривожининг муайян босқичида вужудга келган.
 - 2.5. “Теологик назария” қадимда пайдо бўлган.
 - 2.6. Давлат – ҳокимиятнинг бош институти.
 - 2.7. Халқаро ҳамкорлик ҳар қандай давлат учун ҳаётий заруратдир.
 - 2.8. Ахлоқ ҳуқуқдан олдин вужудга келган.

3-машқ. Қуйидаги ҳукмларнинг субъект, предикат ва боғловчисини кўрсатинг. Миқдор ва сифатини аниқланг. Квантор сўзни кўрсатинг.

Масалан:

- Ҳар бир (квантор сўз) киши (S) таълим олиш ҳуқуқига эга (P). Боғловчи сўз билан ифодаланмаган.
- 3.1. Ҳамма жамиятлар ҳам фуқаролик жамияти эмас.
 - 3.2. Давлат жамиятнинг ичида юзага келади.
 - 3.3. Демократия шароитида давлат цивилизация талабларига мос тарзда ривожланади.
 - 3.4. Инсоннинг жамиятдаги мавқеи тубдан ўзгарган.
 - 3.5. Давлат-ҳуқуқни шакллантирувчи сиёсий механизм.
 - 3.6. Ҳар бир талаба оралиқ назоратга яхши тайёрланиб келиши лозим.
 - 3.7. Ҳеч бир жисм ҳаракатсиз турмайди.
 - 3.8. Республика шаклидаги бошқарувнинг яна бир кўриниши аралаш бошқарувдир.

4 – машқ. Оддий ҳукмларнинг бирлашган классификациясидаги турларини аниқланг.

Масалан:

- Баъзи битимлар бир томонламадир. Баъзи S – Рдир. Жузъий тасдиқ ҳукм (I).
- 4.1. Кўп тергов ҳаракатларининг мақсади жиноятчиликнинг олдини олишдир.
 - 4.2. Баъзи озодликдан маҳрум этилганлар рецидивистлардир.
 - 4.3. Ноқонуний

битим – ҳақиқий эмас. 4.4. Жаҳонда 20тадан сал кўпроқ федерациялар бор. 4.5. Фашистик режимда ҳар қандай мухолифат йўқ қилинади. 4.6. Ахлоқ кишининг жамиятдаги ҳуққини норматив тартибга солувчи усуллардан биридир. 4.7. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ахлоққа алоқадор. 4.8. Барча ҳуқуқ нормалари ҳам уччала таркибий қисмга эга эмас.

5-машқ. Қуйидаги мураккаб ҳукмларнинг турини аниқланг, символлар ёрдамида ифодаланг.

Масалан:

Амнистия умумий ёки қисман бўлиши мумкин. Айирувчи – дизъюнктив ҳукм. Икки оддий ҳукмдан ташкил топган. Символик кўриниши А V В

5.1. Ҳақорат қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. 5.2. Ҳуқуқ нормаси – давлат томонидан белгиланадиган, қафолатланадиган ва муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларидир. 5.3. Ҳуқуқ – ички яхлитлиги ва ўзаро мувофиқлиги билан ажралиб турадиган муайян тизим. 5.4. Юридик прецедент иш бўйича суд ёки маъмурий органнинг қарорига муайян норматив (умуммажбурий) куч беришни билдиради. 5.5. Барча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий нормаларни белгилаб берадилар, ўзгартирадилар ёки бекор қиладилар. 5.6. Қонун – умумхалқ овоз бериши (референдуми) орқали ёки мамлакатнинг олий вакиллик органи (Олий Мажлис) томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. 5.7. Конституция ва конституциявий қонунларни фақат Олий Мажлис қабул қилиши мумкин. 5.8. Агар ариза ҳуқуқий лаёқати бўлмаган киши томонидан берилган бўлса, суд аризани кўриб чиқмайди. 5.9. Агар талаба жорий назоратдан эллиқ фоиз баллни тўпламаган бўлса, оралиқ назоратга киритилмайди. 5.10. Ҳуқуқий лаёқат ҳуқуқларга эга бўла олиш ва юридик мажбуриятларни зиммага олиш қобилиятидир. 5.11. Ҳар бир юрист амалий фаолиятининг бош вазифаларидан бири юридик фактларни аниқлаш ёки тасдиқлашдир.

3-мавзу. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

1. Хулоса чиқариш ҳақида умумий маълумот. Хулоса чиқаришнинг турлари.
2. Дедуктив (силлогистик) хулоса чиқариш.
3. Индуктив хулоса чиқариш.
4. Аналогия бўйича хулоса чиқариш.

Хулоса чиқариш ҳам тафаккурнинг асосий шаклларидан биридир. Бизнинг билимимизнинг кўп қисми хулоса чиқариш шаклида тузилган. Хулоса чиқариш деб бир ёки бир нечта ҳукмлардан объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақида янги ҳукмни вужудга келтириш учун хизмат қиладиган тафаккурнинг махсус шаклига айтилади.

Бошқача қилиб айтганда, хулоса чиқариш маълум бўлган билим орқали номаълум билимни вужудга келтиришдир. Хулоса чиқариш воситали янги билим бўлиб, у бизнинг олдинги билимларимизга асосланади. Хулоса чиқариш

орқали объектив воқеликдаги буюмлар ва улар орасидаги муносабатларни билиб оламиз.

Ҳар қандай хулоса чиқариш ўз структураси, тузилиши ва таркибига эга. Хулоса чиқаришнинг таркиби икки муҳим қисмдан ташкил топади: 1) бу маълум билимларни ифодаловчи ҳукмлар бўлиб, улар янги билим учун асос бўлади. Улар хулоса чиқаришнинг асослари деб аталади; 2) бу маълум ҳукмлар асосида келиб чиққан янги билимни ифодаловчи ҳукм, хулоса чиқариш натижаси, яъни хулоса деб аталади.

Масалан,

1. Асос – Барча республикаимиз фуқаролари дам олиш ҳуқуқига эга.


2. Асос – Салимов-республикаимиз фуқароси.

Хулоса – Салимов дам олиш ҳуқуқига эга.

Бунда олдинги икки ҳукм асослар деб юритилади, буларда умумий билимни билдирувчи, яъни бу ерда биринчи ҳукм-биринчи асос, хусусий ёки якка билимни билдирувчи, яъни бу ерда иккинчиси-иккинчи асос деб юритилади. Бу асослар ёрдамида хусусий ёки якка билимнинг янги хислати ҳақида янги билим келиб чиқадики-бу хулосадир.

Хулоса чин бўлиши учун икки асосий шартнинг бўлиши зарур: 1. Ҳар бир хулосанинг асослари чин бўлмоғи. 2. Ҳар бир хулоса чиқаришнинг ҳукмлари мантиқий боғланган бўлмоғи лозим.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг асослари сонига қараб 1) бевосита; 2) бавосита хулоса чиқаришга ажратамиз. (Агар хулоса бир асосдан келтириб чиқарилса, бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Агар хулоса икки ва ундан ортиқ асослардан келтириб чиқарилса, бавосита хулоса чиқариш деб аталади. (10-расм)



(10-расм)



Предикатга қарама-
қарши қўйиш

Мантикий квадрат
бўйича хулоса чиқ.

(11-расм)

Бевосита хулоса чиқаришга мисол: “Институтимизнинг баъзи талабалари шоир; демак, “Баъзи шоирлар институтимизнинг талабаларидир”.

Бевосита хулоса чиқариш турлари тўртта: (11-расм)

1.Мантикий квадратдаги ҳукм муносабатларига қараб хулоса чиқариш, яъни зидлик, қарама-қаршилик, бўйсунуш муносабатлари. Мантикий квадрат орқали хулоса чиқаришда бир ҳукмнинг чин ёки хатолигидан иккинчи ҳукмнинг чин ёки хато эканлиги келтириб чиқарилади. Масалан, умумий тасдиқ ҳукм берилган бўлсин: “Ўзбекистоннинг барча вилоятларида пахта етиштирилади”. Унга нисбатан қарама-қаршилик муносабатида бўлган ҳукм чинми ёки хатоми? Қарама-қаршилик муносабатида бўлган ҳукмлар бир вақтнинг ўзида чин бўла олмайди, лекин хато бўлиши мумкин. Шунинг учун юқорида келтирилган ҳукмга нисбатан қарама-қаршилик муносабатида бўлган ҳукм - “Ўзбекистоннинг ҳеч бир вилоятида пахта етиштирилмайди” хато бўлади.

2. Алмаштириш орқали хулоса чиқариш. Бундай хулоса чиқаришда биринчи ҳукмнинг субъекти иккинчи ҳукмнинг предикатига, унинг предикати эса иккинчи ҳукмнинг субъектига айлантирилади, аммо ҳукмнинг мазмуни биринчидай қола беради. Бунда терминларнинг ҳажмига эътибор берилди. Алмаштиришнинг турлича усуллари мавжуд. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин: “Ҳамма адвокатлар юристдир”. Демак, “Баъзи юристлар адвокатдир”. “Юрист” тушунчаси асосда тўла ҳажмда олинмаганлиги учун хулосада ҳам шу ҳажмда олинади.

3. Айлантериш орқали хулоса чиқариш. Айлантериш жараёнида берилган ҳукмнинг сифатини ўзгартериш орқали хулоса чиқарилади. Бунда берилган ҳукмнинг субъекти хулосада ҳам субъект бўлиб келади. Хулосанинг предикати эса берилган ҳукмнинг предикатига қарама-қарши тушунчадан иборат бўлади.


А. “Ҳамма жисмлар ҳаракатда”-асос.

Б. “Ҳеч бир жисм ҳаракатсиз эмас”-хулоса.

Айлантеришда асосдаги терминлар тўла ҳажмда олинмаган бўлса, хулосада ҳам шундай ҳажмда олинади.

4.Предикатга қарама-қарши қўйишда берилган ҳукмга нисбатан аввал айлантериш, кейин эса алмаштириш қўлланилади. Бунда берилган ҳукмнинг субъекти хулосада предикат бўлади. Хулосанинг субъекти эса берилган ҳукмнинг предикатига зид тушунчадан иборат бўлади. Масалан, “Ҳамма юристлар янги қонунларни ўрганади”(А). Демак, “Ҳеч бир янги қонунларни ўрганмайдиган юрист эмас”(Б).

Бавосита хулоса чиқаришга дедуктив хулоса чиқаришнинг тури бўлган силлогизмлар, индуктив хулоса чиқариш ва аналогия бўйича хулоса чиқариш киради.



Оддий-қатъий силлогизм

Силлогизм (юнонча “sillogismos”- “қўшиб ҳисоблаш” маъносида) воситали дедуктив хулоса чиқариш бўлиб, унда асос вазифасини иккита оддий-қатъий ҳукм, хулоса мақомини битта оддий-қатъий ҳукм ўтайди.

Асослар ва хулосада қатнашадиган ҳукмларда ифодаланган билимлар, аниқ, равшан бўлганлиги учун уларни қатъий мулоҳазалар, улар иштирокида ифодаланган дедуктив хулосалашни эса оддий-қатъий силлогизм дейилади.

Оддий-қатъий силлогизм таркибида уч асосий қисмлар- иккита асос, хулоса ва мантикий боғланиш мавжуд. Икки асос хулоса билан ўрта атама (термин) воситасида узвийланади. Шунингдек, ўрта атама хулосага кирмайди. Чунончи,

“Барча ҳуқуқшунослар-ҳуқуқий маълумотга эга”

“Барча прокурорлар-ҳуқуқшунослар”.

деган асослардан

“Барча прокурорлар ҳуқуқий маълумотга эга”.

хулосаси келиб чиқади. Мазкур силлогизмда катта атама- “Ҳуқуқий маълумотга эга” (P), ўрта атама-“Барча ҳуқуқшунослар” (M-лотин тилидан medius-ўрта) , кичик атама-“Барча прокурорлар” (S) тушунчаларидир.

Силлогизмда қатнашадиган атамалар-унинг таркибидаги тушунчалардир. Тушунчалар P, M, S – ҳарфлари воситасида ифодаланади. P-катта атамани, S-кичик атамани, M-ўрта атамани билдиради.

Одатда силлогизмда катта ва кичик асослар тушунчаси мавжуд. **Катта асос** деб хулоса чиқариш асосларида энг катта ҳажмли предикатга эга бўлган мулоҳазага, **кичик асос** деб хулоса чиқариш асосларида кичик ҳажмли предикатга эга бўлган мулоҳазага айтилади.

Силлогизм атамаларини аниқлашда катта ва кичик асос ҳақидаги тасаввурлар ёрдам беради. Чунончи, катта атама катта асоснинг предикати ўрнида келиб, у хулосада ҳам предикат, кичик атама эса кичик асоснинг

субъекти мақомида келиб, у хулосада ҳам субъект мақомида келади. Катта ва кичик атамаларни **четки атамалар** деб ҳам юритилади.

Ўрта атама эса ҳар иккала (катта ва кичик) асосларда иштирок этиб хулосада қатнашмайдиган атамалар.

Одатда силлогизм асосларини муайян кетма-кетликда - олдин катта асос, ундан кейин кичик асос кетма-кетлиги ёзилади. Шундай қилиб, оддий-қатъий силлогизм мазкур силлогизмдаги четки атамаларнинг ўрта атамага муносабатига қурилган хулоса чиқаришдир.

Оддий-қатъий силлогизмга кўра келиб чиқадиган хулосалар исботсиз қабул қилинадиган ҳақиқат (аксиомага)га асослангандир. Мазкур аксиомага кўра **баъзи гуруҳнинг барча буюмлари тўғрисида бирор тасдиқ ёки инкор ҳукми чин бўлса, ана шу тасдиқ ёки инкор ифодаси мазкур гуруҳнинг барча алоҳида олиб қараладиган вакилларига ҳам тааллуқли бўлади. Яъни бирор буюм белгисининг белгиси ана шу буюмнинг ҳам белгисидир.** Агар буюм белгисида зидлик мавжуд бўлса, мазкур зидлик буюмнинг ўзига нисбатан ҳам тааллуқлидир, деган қоидалар тўғри тафаккурда исботсиз қабул қилинадиган ҳақиқатдир.

Оддий-қатъий силлогизмнинг умумий қоидалари.

Оддий-қатъий силлогизмдан ҳақиқий (чин) билимларни ҳосил қилмоқ учун унда қатнашган асосларнинг чинлиги кифоя эмас. Бунинг учун силлогизмга оид қоидаларга ҳам риоя қилиш зарур. Бундай қоидалар еттита. Уларнинг учтаси атамаларга, тўрттаси асосларга тааллуқли қоидалардир.

Атамаларга оид қоидалар:

1-қоида: Силлогизмда учта термин бўлиши лозим. Мазкур қоида бузилса, келиб чиқадиган хулоса бир хил маъно касб этмайди. У ҳолда атамаларнинг кўпайиб ёки камайиб кетиш ҳодисаси рўй бериб, бу эса ўз навбатида хулосадаги фикрнинг мавҳумлигига олиб келиши мумкин. Масалан, Қонунлар инсонлар томонидан яратилмайди.

Қонун-давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан чиқарилган норматив актдир.

мулоҳазаларидан чин ҳукмлар келиб чиқмайди. Чунки “Давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан чиқарилган норматив актлар инсонлар томонидан яратилмайди” хулосаси ҳақиқатга тўғри келмайди. Мазкур силлогизмда тўртта атама қатнашапти.

2-қоида: Ўрта атама асосларнинг ҳеч бўлмаганда бирида тақсимланган бўлиши лозим. Ўрта атаманинг тақсимланмаслиги чекка атамалар боғланишининг мавҳумлигига олиб келади. Масалан,

Баъзи юристлар (М)-адвокатлар коллегиясининг аъзосидир (Р).

Жамоамизнинг барча аъзолари(С)-юристлар(М).

асосларида ўрта термин жузъий ҳукмнинг субъекти бўлиб келиб, катта асосда тақсимланмаган. Тасдиқ ҳукмнинг предикати бўлиб, кичик асосда ҳам тақсимланмаган. Демак, ўрта термин асосларнинг ҳеч бирида тақсимланмаган. Бундай ҳолда четки терминлар ўртасидаги зарурий муносабатни аниқлаб бўлмайди. Уч хил ҳолат бўлиши мумкин:

Жамоамизнинг ҳеч бир ходими адвокатлар коллегиясининг аъзоси эмас.

Жамоамизнинг баъзи ходимлари адвокатлар коллегиясининг аъзоларидир.

Жамоамизнинг ҳамма ходимлари адвокатлар коллегиясининг аъзоларидир.

3-қоида: Асосларда тақсимланмаган атама (термин) хулосада ҳам тақсимланмайди. Масалан:

Барча ички ишлар идоралари ходимлари (М) саводхон бўлишлари лозим (Р).

Аҳмедов (S)- ички ишлар идоралари ходими эмас (М).

Мазкур асослардан чин хулоса келиб чиқмайди. “Аҳмедов саводхон бўлмаслиги лозим” деган хулоса келиб чиқиши мумкин. Бу эса аниқ мулоҳаза эмасдир. Чунки ўрта атаманинг тақсимланмаганлигига асосланган хулосалар нотўғри бўлиб, Аҳмедовнинг саводхон бўлмаслиги мисолида барча ички ишлар идораларида ишламайдиган фуқаролар саводхон бўлмаслиги лозим, деган фикр келиб чиқади. Бундай фикр юритиш эса мантиққа хилофдир.

Асосларга оид қоидалар

1-қоида: Икки инкор ҳукмдан хулоса келиб чиқмайди. Асослардаги мулоҳазаларнинг ҳеч бўлмаганда бири тасдиқ ҳукм бўлиши лозим. Чунончи, ТДЮИ талабалари интизомни бузмайди.

Болтаев ТДЮИ талабаси эмас.

асосларидан чин хулоса келиб чиқмайди. Боиси икки асос ҳам инкор сифатга эга бўлиб, ўрта атаманинг ҳажмидан истисно қилиняпти. Бунда хулосадаги фикр ноаниқ бўлади.

2-қоида: Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, хулоса ҳам инкор шаклда бўлади. Масалан,

Янги ғоялари бўлган илмий иш мукофотга сазовор.

Бу илмий ишда янги ғоялар мавжуд эмас.

Демак, бу илмий иш мукофотга сазовор эмас.

3-қоида: Икки жузъий мулоҳазадан чин хулоса келиб чиқмайди. Масалан, Баъзи талабалар ТДЮИни қизил диплом билан тамомладилар.

ТДЮИнинг баъзи талабалари аълочилар.

асосларидан шундай хулоса келиб чиқиши мумкин: ТДЮИнинг баъзи аълочилари ТДЮИни қизил диплом билан тамомладилар. Бироқ хулоса нотўғри. Чунки аълочи талабалар фақат битирувчи босқичда ўқиб қолмасдан, балки 1-,2-,3-босқичларда ҳам ўқийдилар. Бу ўринда асослардаги атамалар ҳам тақсимланмаган.

4-қоида: Мабодо асосларнинг бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий ҳукм мақомида бўлади. Масалан,

Барча сайёралар Қуёш атрофида айланади.

Баъзи осмон жисмлари сайёрадир.

Демак, баъзи осмон жисмлари Қуёш атрофида айланади.

Силлогизм фигуралари ўрта атаманинг жойлашишига кўра хулосалаш шаклларидир. Ўрта атаманинг жойлашишига кўра силлогизмнинг **4 фигураси** мавжуд:

Биринчи фигура: Ўрта атама катта асосда субъект, кичик асосда эса предикат мақомида келади. Масалан,

Барча мевали дарахт (М) гуллайди (Р).

Олма дарахти(S)-мевали дарахт(M).

Демак, олма дарахти гуллайди.

Иккинчи фигура: Ўрта атама икки асосда ҳам предикат мақомида келади. Масалан,

Янги ғоялари бўлмаган иш мукофотга сазовор бўла олмайди.

Бу илмий иш мукофотга сазовор бўлди.

Демак, бу илмий ишда янги ғоялар бўлмаган эмас.

Учинчи фигура: Ўрта атама ҳар иккала асосда ҳам субъект мақомида келади.

Барча ҳуқуқий қонунлар (M) ижро этилиши зарур (P).

Барча ҳуқуқий қонунлар(M) ҳуқуқ тартиботни муҳофаза этади (S).

Демак, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этадиган қонунлар(S) ижро этилиши зарур (P).

Тўртинчи фигура: Ўрта атама катта асосда предикат, кичик асосда эса субъект мақомида келади. Масалан,

Барча инсонлар (P) ижтимоий мавжудотлардир.

Бирорта ҳам ижтимоий мавжудот(M) ҳайвон эмас(S).

Демак, бирорта ҳам ҳайвон инсон эмас.

Силлогизмнинг асослари сифатида ҳар хил сифат ва миқдордан иборат мулоҳазалар келиши мумкин. Силлогизм асосларининг сифат ва миқдориغا кўра турларга бўлиниши унинг модуслари деб аталади. Уларнинг 4 фигурадаги кўриниши 64тага етиши мумкин. Улардан 19таси тўғри модуслар.

Хулоса чиқаришнинг тўғри модусларининг ифода тасвирлари:

1-фигура: AAA, EAE, AII, EIO

2-фигура: EAE, AEE, EIO, AOO

3-фигура: AAI, IAI, AII, EAO, EIO, OAO

4-фигура: AIA, AEE, IAI, EAO, EIO, OAO бўлади.

I фигура	II фигура	III фигура	IV фигура
Barbara (AA-A)	Camestres (AE-E)	Darapti (AA-I)	Bramantip (AAI) Celarent (EA-E)
Cesare(EA-E)	Felapton (EA-O)	Camenes (AEE)	
Darii (AI-I)	Baroco(AO-O)	Datisi (AI-I)	Fesapo (EAO)
Ferio (EI-O)	Festino (EI-O)	Ferison (EI-O)	Fresison (EIO)
		Disamis (IA-I)	Dimaris (IAI)
		Bocardo (OA-O)	
		Bocardo (OA-O)	

Силлогизмнинг умумий қоидалари каби унинг айрим махсус қоидалари ҳам мавжуд.

1-фигуранинг махсус қоидалари:

1. Катта асос умумий мулоҳаза бўлиши керак.

2. Кичик асос тасдиқ мулоҳаза бўлиши лозим.

2-фигуранинг махсус қоидалари:

1. Катта асос умумий мулоҳаза бўлиши керак.
2. Асосларнинг бири инкор мулоҳаза бўлиши керак.

3-фигуранинг махсус қоидалари:

1. Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.
2. Хулоса жузъий ҳукм бўлиши керак.

Қисқартирилган силлогизм

Хулосалашда аксарият янги билимлар қисқартирилган шакллар орқали олинади. Бундай ҳолларда асосларнинг бири тушириб қолдирилади. Ана шундай хулосалаш турини қисқартма силлогизм, ёхуд энтимема (юнонча “ёдда”) деб аталади.

Энтимемада асосларнинг каттасининг ёки кичигининг, баъзан эса хулосанинг тушириб қолдирилиши кузатилади. Масалан, 1-фигура бўйича: “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат, демак, биз келажаги буюк давлатнинг фуқаросимиз” хулосалаш энтимемага мисол бўла олади.

Индуктив хулоса чиқариш

1. Индуктив хулоса чиқаришнинг умумий характеристикаси
2. Индуктив хулоса чиқаришнинг турлари-тўлиқ ва тўлиқсиз.
3. Тўлиқсиз индукциянинг турлари
4. Индуктив хулоса чиқаришда учрайдиган хатолар
5. Индукция ва дедукциянинг алоқаси

Индуктив хулоса чиқариш лотинча сўздан олинган бўлиб, “торроқдан келтириб чиқариш” деган маънони англатади.

Индукция бавосита хулоса чиқариш турларидан биттаси. Нисбатан торроқ билимдан нисбатан кенгроқ билим келтириб чиқарилади. Умумийроқ хулосалар келтириб чиқариш предметларни, ҳодисаларини бирма-бир ўрганишга асосланади. Шу томони индукциянинг энг муҳим хусусиятларидан бири. Бирма-бир ўрганиб, бирор хусусият ҳақида билимга эга бўламиз. Шунга асосланиб каттароқ бир синфга мансуб бўлган предметлар, ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳақида фикр юритамиз. Агар предметларни нисбатан кўпроқ ўрганилган бўлса хулосани тўғрилиқ, аниқлик даражаси анча юқори бўлади. Агар хулоса чиқариш учун нисбатан камроқ предметлар ўрганилган бўлса, хулосани аниқлиги паст бўлади, эҳтимоллиги юқори бўлади. Индуктив хулоса чиқаришда қатъий ҳукм ифодаланган билимлардан кўпинча эҳтимолли хулосалар чиққани учун индукцияни эҳтимолли билимлар олиш йўлларида бири деб кўрсатилади. Аниқ асослардан баъзан ноаниқ хулоса чиқариш индуктив хулоса чиқаришнинг иккинчи муҳим хусусиятидир. Индуктив хулоса

чиқариш предметларни, ҳодисаларни бирма-бир ўрганишга асослангани учун кўпинча кузатиш билан, тажриба ўтказиш билан боғлиқ. Шу жиҳати туфайли индуктив хулоса чиқаришни назарий билимлар эмас, кўпинча амалий билимлар ҳосил қилишда аҳамияти катта деб билишади. Индуктив хулоса чиқариш илмий индукция каби турларига эга бўлгани билан унинг хулосаси илмий характерга эга бўлиши шарт эмас. Хулоса чиқариш учун баъзан чинлиги илгаридан маълум бўлган умумий ҳукм орқали ифодаланган ҳақиқатларга таянамиз. Баъзан эса бирор ҳодисани рўй беришини кутишимиз лозим бўлади. Кузатиш предмет, ҳодисаларни бевосита кўз билан кўришдир. **Кузатиш** предметларга, ҳодисаларга ҳеч қандай таъсир ўтказмасдан тўғридан-тўғри идрок қилиш демак. Кузатилганда предметларни, ҳодисаларни ташқи томондаги хусусиятларини ўрганамиз. Рўй берган вақтини, жойини кузатиш мумкин. Кузатиш натижасида битта ёки бир-бирига боғлиқ бир неча ҳодисалар ҳақида маълумотлар оламиз. Шунинг асосида бир туркум предметларни ҳаммаси тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Хулоса чиқариш учун предмет, ҳодисаларни бирор томонини ўрганиш учун баъзан тажриба ўтказиш керак бўлади. Тажриба ўтказиш услуби олдин ишлаб чиқилади. Тажриба ўтказиш учун зарур бўлган имкониятлар, томонлар, хусусиятлар ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда тажрибадан кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Тажрибани вақтини, ўрнини, муддатини ва шу кабиларни олдиндан белгилаш керак. Тажриба ўтказиш натижасида ҳосил бўлган билимга асосланиб, шу типдаги қатор предметлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Мантиқ фани индуктив хулоса чиқаришнинг икки турини ўрганади. Булар тўлиқ ва тўлиқсиз индукциядир.

Тўлиқ индукция хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда хулоса бир туркум предмет ва ҳодисаларнинг ҳаммасини бирма-бир ўрганиш асосида нисбатан янги билим ҳосил қилинади. Бундай хулоса чиқариш учун предмет ва ҳодисаларнинг бирорта ўхшаш, умумий хусусияти бўлиши керак. Ҳар бир предметнинг хусусияти ҳақидаги фикр асосларда якка ҳукмлар орқали ифодаланади. Хулоса одатда умумий ҳукм орқали берилади, унда бирор хусусиятнинг бир туркум предметларнинг ҳаммасига ҳослиги ёки хос эмаслиги ҳақидаги фикр ифодаланади. Тўлиқ индукциянинг шу асослари ва хулосаси аниқ, эҳтимолдан холи бўлгани учун фикр қатъий ҳукмлар орқали берилади. Тўлиқ индукция бўйича хулоса чиқариш учун ўрганилаётган предметлар ва ҳодисалар нисбатан камроқ бўлиб, уларни бирма-бир ўрганиш имконияти бўлиши лозим.

Тўлиқсиз индукция хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бир туркум предметларнинг бир қанчасини ўрганиш асосида олинган билимдарга таяниб бирор хусусият шу туркумдаги предметларнинг ҳаммасига ҳослиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Бунда хулоса кузатилган ва кузатилмаган предмет ва ҳодисаларга алоқадор бўлади. Тўлиқсиз индукциянинг хулосаси эҳтимолий характерга эга бўлади. ўрганилаётган хусусият бир туркум предметларнинг қолганларига хос ёки хос эмаслиги ноаниқ қолади. Тўлиқсиз индукция бир неча турларг бўлиниб, логика фани улардан оддий санаш орқали ёки оммабоп индукция ва илмий индукция ўрганади.


Оддий санаш орқали индукция хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бир туркум предметларнинг бир қанчасида бирор хусусият такрорланишини ўрганиш асосида қолганлари ҳақида хулоса чиқарилади. Индукциянинг бу турида хулоса чин бўлиши учун хусусият кўпроқ предметларга хос бўлиши, хусусият предметлар учун муҳим бўлиши, умумий ҳодатга зид келадиган ҳоллар бўлмаслиги керак. Оддий санаш орқали индукция хулосалариилмий характерга эга бўлмаса ҳам, такрорланиб турадиган ҳолатлардан хулоса чиқариш учун аҳамиятлидир. “Ҳамма металлار қиздирилганда кенгаяди” каби хулоса тўлиқсиз индукциянинг оддий санаш орқали чиқарилгандир.

Илмий индукция хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда хулоса чиқариш учун ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланиш асос қилиб олинади. Илмий индукцияда хулоса ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларининг такрорланишини ўрганиш натижасида ҳосил бўлади. Сабабий боғланиш ҳодислар ўртасидаги боғланишларнинг энг муҳимидир. У предмет ва ҳодисаларни асослаб берадиган қонуниятларни ечишга имконият яратади. Илмий индукциянинг қуйидаги бир нечта методлари бор: 1) ўхшашлик методи; 2) тафовут методи; 3) йўлдош ўзгаришлар методи; 4) қолдиқлар методи.

Индуктив хулоса чиқариш дедуктив хулоса чиқариш билан қатор ўхшаш хусусиятларга эга: булар бавосита хулоса чиқариш қаторига киради. Индивидуал хулоса чиқаришда ҳам гоҳида дедуктив хулоса чиқаришга ўхшаган қатъий хулосалар чиқади (тўлиқ индукция), эҳтимолдан ҳоли.

Силлогизмнинг 3-фигураси тузилиши жиҳатидан дедукция бўлса, мазмун жиҳатидан индуктив хулоса чиқаришга ўхшайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кенгрок нарсалар ҳақида фикр юритамиз. Индуктив йўл билан чиқарилган хулосалар дедуктив йўл билан хулоса чиқариш учун асос бўлади. Дедуктив йўл билан чиқарилган хулосалар эса, баъзан индуктив йўл билан текширилади. Индукциянинг дедукциядан фарқ қиладиган бир қанча хусусиятлари мавжуд. Энг муҳими, унинг хулосаси эҳтимолий характерга эга бўлади. Кейинги текширишни талаб этади. Силлогизмнинг асослари иккита ҳукмдан иборат бўлса, индукциянинг асослари эса иккитадан кўпроқ ҳукм орқали ифодаланади.



Оммабоп
индукция (оддий
санаш орқали)

Тизимли
(фактларни танлаш
орқали)

Илмий индукция

(13-расм)

Дедуктив хулоса чиқаришда умумийроқ билимга таянамиз, индуктив хулоса чиқаришда эса умумий эмас, торроқ, жузъийроқ билимга таянамиз. Индуктив хулоса чиқариш дедуктив хулоса чиқариш билан чамбарчас боғлиқ. Бири иккинчисиз мавжуд бўлолмайди. Индукциянинг дедукция билан алоқаси анализнинг синтез билан алоқаси сингаридир.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш

Аналогия бавосита хулоса чиқариш тури. Аналогия бўйича хулоса чиқариш нисбатан торроқ билимлардан нисбатан торроқ билимлар келтириб чиқаришдир. Аналогия бўйича хулоса чиқариш учун бир предметни, бир ҳодисани ўрганиш натижасида ҳосил бўлган билимга асосланиб, бошқа бир предмет хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарилади.

Аналогиянинг асоси ҳам, хулосаси ҳам деярли якка ҳукм орқали ифодаланади. Хулосалари эҳтимолий шаклда, бошқа хилида эса қатъий шаклда бўлади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш учун иккита предмет ёки иккита ҳодиса бирор хусусияти жиҳатидан таққосланади, ўхшатилади. Аналогиянинг хулосаси эҳтимолий шаклда бўлгани учун хулосанинг аниқлик даражаси ўрганилаётган, таққосланилаётган хусусиятларга боғлиқ. Аналогиянинг хулосаси чин бўлиши учун, тўғри бўлиши учун ўхшатилаётган предметнинг хусусиятлари улар учун муҳим хусусият бўлиши керак.

Солиштирилаётган предметларнинг имконияти борица кўпроқ хусусиятлари ўрганилиши керак.

Ўхшатилаётган предметларнинг хусусияти нисбатан камроқ предметларги хос бўлиши керак.

Аналогиянинг иккита тури бор:

- 1) хусусиятлар аналогияси;
- 2) муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида иккита предмет ё иккита ҳодиса ўрганилиб, уларнинг битти хусусияти ҳақида хулоса чиқарилади. Унинг хулосаси деярли ҳамма вақт эҳтимолий бўлади. Хусусиятлар аналогиясида эҳтимолий ҳукмлар олиш йўлларида биридир.

- 1) А предмет а,в,с, d хусусиятларга эга.
- 2) В предмет а,в,с хусусиятларга эга.

Демак, В предмет d хусусиятга эга бўлса керак.

Муносабатлар аналогиясида иккита предмет ё ҳодисанинг ўхшаш хусусиятлари эмас, иккита предмет ё ҳодиса ўртасидаги муносабат асос қилиб олинади.

Бунда иккита предмет бир-бирига ўхшамаслиги мумкин. Иккита предмет ўртасидаги муносабат бошқа иккита предмет ўртасидаги муносабатга ўхшашлиги асосда хулоса чиқарилади.

Муносабатлар аналогиясининг хулосаси доимо қатъий, аниқ бўлади.

(14-расм)



Такрорлаш учун саволлар:

- 1.Хулоса чиқариш деб нимага айтилади?
- 2.Бевосита ва бавосита хулоса чиқариш деб нимага айтилади?
- 3.Дедуктив хулоса чиқариш деб нимага айтилади?
- 4.Оддий-қатъий силлогизм деб нимага айтилади?
- 5.Оддий-қатъий силлогизмнинг таркибини тушунтиринг.
- 6.Силлогизмнинг қандай умумий қоидалари бор?
- 7.Силлогизмнинг фигуралари ва модусларини тушунтиринг.
- 8.Энтимема деб нимага айтилади?
- 9.Индуктив хулоса чиқариш деб нимага айтилади?
- 10.Тўлиқ ва тўлиқсиз индукция деб нимага айтилади?
- 11.Индукция ва дедукциянинг алоқаси қандай?
- 12.Аналогия бўйича хулоса чиқариш деб нимага айтилади?
- 13.Аналогиянинг қандай турлари бор?

“Хулоса чиқариш” мавзуси бўйича машқлар

1-машқ. Қуйидаги ҳукмлардан айлантириш орқали хулоса чиқаринг.

Масалан: Асос: Ҳамма жисмлар ҳаракатда. (умумий тасдиқ ҳукм, “Ҳамма S – P”)

Хулоса: Ҳеч бир жисм ҳаракатсиз эмас. (умумий инкор ҳукм “Ҳеч бир S Pмас эмас”)

- 1.1. Гуруҳимизнинг барча талабалари аълочи.
- 1.2. Ҳеч бир босқинчилик уруши адолатли эмас.
- 1.3. Баъзи корхоналар рентабелли эмас.
- 1.4. Судларнинг баъзи қарорлари асосли эмас.
- 1.5. Шаҳримизнинг баъзи фуқаролари диндор.
- 1.6. Гувоҳларнинг баъзи кўргазмалари ишончли эмас.
- 1.7. Баъзи битимлар бир томонлама эмас.
- 1.8. Ҳамма йўллар Римга олиб боради.
- 1.9. Барча маданий ёдгорликлар такрорланмас.
- 1.10. Н.нинг иши бўйича суд қарори адолатли.

2-машқ. Қуйидаги ҳукмлардан алмаштириш орқали хулоса чиқаринг.

Масалан: Асос: Баъзи кўзикоринлар заҳарлидир. (жузъий тасдиқ ҳукм, баъзи S – P)

Хулоса: Заҳарлиларнинг баъзилари кўзикоринлар. (жузъий тасдиқ ҳукм, баъзи P-S)

- 2.1. Коинот чексиздир.
- 2.2. Баъзи ҳуқуқбузарлар вояга етмаганлардир.
- 2.3. Баъзи талабалар аълочилардир.
- 2.4. Баъзи юристлар адвокат эмас.
- 2.5. Баъзи фанлар ижтимоий фанлардир.
- 2.6. Давлат доим мавжуд бўлган эмас.
- 2.7. Суд қарори асосланган бўлиши керак.
- 2.8. Ҳар бир киши фуқароликка бўлиш ҳуқуқига эга.

3-машқ. Алмаштириш тўғри бажарилганлигини текширинг.

Масалан:

Асос: Барча юридик олий ўқув юртлари талабалари мантиқни ўрганадилар. (умумий тасдиқ ҳукм, ҳамма S – P)

Хулоса: Мантиқни ўрганувчиларнинг баъзилари юридик олий ўқув юртлари талабалари. (жузъий тасдиқ ҳукм, баъзи P – S), алмаштириш тўғри бажарилган.

- 3.1. Вояга етганлар сайлов ҳуқуқига эга. Демак, сайлов ҳуқуқига эга бўлганлар вояга етганлардир.
- 3.2. Ҳар қандай ҳукм гаплар орқали ифодаланади. Демак, гаплар орқали ифодаланадиганлар ҳукмлардир.
- 3.3. Баъзи жиноятлар қасддан қилинмаган жиноятлардир. Баъзи қасддан қилинмаган жиноятлар ҳам жиноятлардир.
- 3.4. Барча терговчилар юристлардир. Юристларнинг баъзилари - терговчилар.
- 3.5. Баъзи битимлар бир томонлама. Бир томонлама бўлганларнинг баъзилари - битимлар.
- 3.6. Барча кардиологлар - врачлар. Баъзи врачлар - кардиологлар.
- 3.7. Баъзи балиқлар дарёда яшайди. Дарёда яшайдиганларнинг баъзилари балиқлардир.
- 3.8. Баъзи ҳукмлар оддий эмас. Оддий бўлмаганларнинг баъзилар ҳукмлардир.

4-машқ. Предикатга қарма-қарши қўйиш орқали хулоса чиқаринг.

Масалан:

Асос: Барча ўқитувчилар зиёлилардир. (умумий тасдиқ ҳукм, Ҳамма S – P)

Хулоса: Зиёли бўлмаганларнинг ҳеч бири ўқитувчи эмас. (умумий инкор ҳукм, Ҳеч бир P эмас – S эмас)

4.1. Баъзи жиноятлар – қасддан қилинмайди. 4.2. Баъзи ёзувчилар – фантастик асар муаллифлари. 4.3. Баъзи давлатлар унитардир. 4.4. Вояга етмаганлар сайлов ҳуқуқига эга эмас. 4.5. Ҳеч бир шартнома бир томонлама бекор қилиниши мумкин эмас. 4.6. Айбланувчи ҳимоя ҳуқуқига эга. 4.7. Ўғирликни содир этган киши жиноий жавобгарликка тортилади. 4.8. Қуёш тизимининг барча планеталари Қуёш атрофида ҳаракатланади.

5-машқ. Қуйидаги ҳукмларга нисбатан қарма-қаршилик, зидлик ва бўйсунтириш муносабатида бўлганларини топинг.

Масалан:

Суд экспертлари ҳаққоний кўргазма беришлари керак. (умумий тасдиқ ҳукм)

Баъзи суд экспертлари ҳаққоний кўргазма беришлари керак. (жузъий тасдиқ ҳукм) – бўйсунтириш муносабатида

Ҳеч бир суд эксперти ҳаққоний кўргазма бериши керак эмас. (умумий инкор ҳукм) – қарма-қаршилик муносабатида.

Баъзи суд экспертлари ҳаққоний кўргазма бериши керак эмас. (жузъий инкор ҳукм) – зидлик муносабатида

5.1. Гуруҳимизнинг барча талабалари фалсафадан оралиқ назоратни топширдилар. 5.2. Барча англияликлар пудингни яхши кўрадилар. 5.3.

Айбланувчилар ҳимоя ҳуқуқига эга. 5.4. Чоп этилмаган қонунлар қўлланмайди.

5.5. Ҳеч бир босқинчилик уруши адолатли эмас. 5.6. барча врачлар олий маълумотга эга. 5.7. Баъзи жиноятлар қасддан содир этилади. 5.8. Баъзи талабалар талабалар турар жойида яшайдилар. 5.9. Баъзи элементар зарралар электр зарядга эга эмас.

6-машқ. Асослардан хулоса чиқаринг.

Масалан:

Босқинчиликни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар

Н. – босқинчиликни содир этган.

Н. жиноий жавобгарликка тортилади.

6.1. Гувоҳлар ҳаққоний кўргазмалар бериши керак. С. – гувоҳ.

6.2. Айбсиз бўлган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. П. – айбсиз. 6.3. Гуруҳимизнинг барча талабалари оралиқ назоратни топширдилар.

Н. – гуруҳимиз талабаси. 6.4. Чоп этилмаган қонунлар қўлланилмайди. Ушбу қонун чоп этилган. 6.5. Баъзи талабалар – аълочи. С. – аълочи. 6.6.

Талабаларнинг баъзи талабалар турар жойида яшайдилар. А. – талаба. 6.7. Баъзи врачлар олий маълумотга эга. Баъзи врачлар суд-тергов органларида

ишлайдилар. 6.8. Баъзи жиноятлар қасддан қилинади. Эҳтиётсизлик натижасида оғир тан жароҳати етказиш жиноятдир.

7-машқ. Силлогизмнинг ҳар бир фигурасига мисол келтиринг.

8-машқ. Энтимемани тикланг.

Масалан:

Айбланувчи ҳимоя ҳуқуқига эга. Демак, Л. – ҳимоя ҳуқуқига эга.

Кичик асос тушиб қолган. Л. – айбланувчи.

8.1. Барча талабалар оралиқ назорат топширадилар. А. - оралиқ назоратни топширади. 8.2. Қуёш тизимининг барча планеталари Қуёш атрофида ҳаракатланадилар. Демак, Плутон – Қуёш тизимининг планетаси. 8.3. Судья сўроқнинг барча даврида гувоҳга савол бериши мумкин. М.- судья. 8.4 Ўзбекистоннинг барча фуқаролари соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эга. Демак, Султонов соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эга.

4-мавзу. ДАЛИЛЛАШ НАЗАРИЯСИНING МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

1.Аргументлаш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши.

2.Исботлаш. Унинг тузилиши ва турлари.

3.Рад этиш.(Раддия).

4.Исботлаш ва рад этиш қоидалари ҳамда уларни бузганда учрайдиган хатолар. Софизмлар ва паралогизмлар, мантиқий парадокс.

Кишининг атроф-муҳит билан фаол муносабатда бўлиши учун восита бўлиб хизмат қилувчи объектив чин билимларга эришиш ҳар қандай илмий ва тажрибавий билиш жараёнининг мақсадини ташкил этади. Объектив ҳақиқатни таъминлаш ҳар қандай одил суднинг муҳим вазифасидир. Жиноий ёки фуқаро ишининг ҳамма шарт-шароитларини аниқ билиш қонуннинг тўғри қўлланиши ва одил суд қарорлари пайдо бўлишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мавҳум тафаккур поғонасида билиш жараёнининг натижалари олинган маълумотларни илгари аниқланган, маълум бўлган ҳукмлар билан солиштириш орқали текширилади. Текшириш жараёни бу ҳолатда воситали характерда бўлади: ҳукмларнинг чинлиги бевосита фактларга мурожаат қилиш орқали эмас, балки мантиқий йўл билан бошқа ҳукмлар орқали аниқланади.

Илмий билишнинг муҳим хусусияти шуки, янги маълумотлар мантиқий текшириш жараёнидан ўтгандагина чин деб ҳисобланади, конкрет фаннинг

эмпирик ва назарий фундаментиға қўшилади ва исбот этилган ёки верификацияланган деб ҳисобланади.

Суд тажрибасида ҳам билишга шундай талаблар қўйилади: суд қарори судда ишни кўриб чиқиш жараёнида тўлиқ ва ҳар томондан асослангандагина одил, адолатли деб ҳисобланади.

Ҳукмларнинг чинлигини исботлашнинг мантиқий механизмлари мантик фанининг исботлаш назарияси бўлимида очиб берилади. **Исботлаш** – бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Кўпинча асослаш жараёнини далиллаш деб ҳам аталади.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради. Ишонч-эътиқод бу кишиларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат.

Илмий методга қарама-қарши равишда ишончни шакллантиришнинг стихияли методи эътиқодга асосланади. Эътиқод бу етарлича текширишсиз бировларнинг фикрини қизиқиш, ишонтириш ва ҳоказо натижасида қабул қилиш.

Мантиқ исбот қилиш операциясини фикрларнинг конкрет мазмунидан узоқлашиб ўрганади.

Реал фикрлаш жараёнида у ёки бу илм-фан ёки тажриба соҳасига тааллуқли фикр объектига боғлиқ равишда турли хил асослаш ёки далиллаш усуллари ишлатилади. Улардан хулоса чиқариш турлари, бошланғич асослар, хулосадаги ҳар бир қадамнинг қатъийлиги билан фарқланади. Хулосаларнинг аниқлиги объектнинг спецификасига боғлиқ равишда турли хил - тиббиётда бошқа, математикада бошқа, биологияда бошқа, суд жараёнидагидан фарқли бўлади. Аммо мазмун ва структура жиҳатидан фарқларга қарамай ҳар бир исботлаш операцияси маълум вазифани кўзлайди ва шу соҳадаги воситалардан фойдаланиб объектив ҳақиқат бўлган натижаларга эришиши мумкин.

Исботлаш дейилганда кўпинча икки хил маъно англашилади:

- 1) мантиқий йўл билан исботлаш;
- 2) амалда исботлаш.

Амалда исботлаш конкрет фанларнинг вазифаси. Мантиқий исботлашни мантиқ ўрганади.

Мантиқий исботлаш берилган фикрнинг чинлигини бошқа фикрлар ёрдамида кўрсатиш, аниқлаш демакдир.

Ҳар қандай мантиқий исботлаш 3 элементдан иборат:

- 1) тезис;
- 2) асос ёки аргумент;
- 3) исботлаш усули.

Тезис-чинлиги исботланиши лозим бўлган фикр бўлиб, бир ёки бир неча фикрлар орқали ифодаланади. У исботлашнинг асосий элементи бўлиб, “нима исботланаяпти?”-деган саволга жавоб беради. Тезис сифатида бир қанча ўзаро боғлиқ бўлган ҳукмлардан ташкил топган илмий хулосалар иштирок этиши

мумкин. Математикадаги исботланаётган теорема ҳам тезис вазифасини бажаради.

Суд-тергов фаолиятида жиноий ҳодисанинг шарт-шароитлари, жиноятчининг шахси ҳақидаги, ўғирланган нарсалар сақланаётган жой ҳақидаги фикрлар илгари сурилади ва исботланади.

Асослар (аргументлар) тезиснинг чинлигини кўрсатувчи, келтирилган фикрлар бўлиб, бир канча ҳукмлар орқали ифодаланади. Улар исботлашнинг мантикий фундаменти ролини бажаради ва “Тезис нима орқали асосланаяпти?”- деган саволга жавоб беради.

Илм-фаннинг турли соҳаларида асос вазифасини турли хил ҳукмлар бажариши мумкин: 1) назарий ва эмпирик умумлашмалар; 2) аксиомалар; 3) фактлар тўғрисидаги ҳукмлар.

Масалан: 1)назарий умумлашма - гравитациянинг физик қонунлари космик жисмнинг учиш траекториясини ҳисоблашга имкон яратади ва бу ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилганлигини исботлашга имкон беради; 2) тажрибавий умумлашма – экспертизада айбланувчининг бармоқ излари билан жиноят жойидаги учратилган бармоқ изларини бир хиллиги аниқланса, бу айбланувчининг жиноят содир этилган жойда бўлганлигини исботлаш учун асос бўлиб хизмат қилади; 3) аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон амалиётида миллиард марталаб такрорланганлиги учун уларни исботлаш шарт эмас. Агар исботлаш аксиомаларга қурилган бўлса, уларга маълум талаблар қўйилади:

- 1) уларнинг зиддиятсизлиги;
- 2) тўлиқлиги;
- 3) мустақиллиги (уларнинг ҳар бири бошқа аксиомалардан мантиқан келтириб чиқариб бўлмаслиги).

Далиллар деб маълум вақт, ўрин, конкрет мавжудлик шароитлари билан якка олинган предмет ёки ҳодисага айтилади.

Бу ҳукмлар хулоса чиқариш шаклида бўлади. **Исботлаш усули** асослар ва тезис ўртасидаги мантикий алоқадан иборат, асослардан тезиснинг чинлигини келтириб чиқаради. Асослардан тезисга мантикий ўтиш хулоса чиқариш тарзида кечади. Бу хулоса чиқаришда асослар бўлиб тўғри ахборот ифода этилган ҳукмлар, хулоса бўлиб эса тезис тўғрисидаги ҳукмлар иштирок этади.

Тезиснинг исботлаш усулига қараб исботлаш икки турга ажратилади:

- 1) бевосита исботлаш;
- 2) бавосита исботлаш.

Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги келтирилган далиллардан тўғридан-тўғри келиб чиқади. Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги антитезиснинг хатолигидан келиб чиқади. **Антитезис** деб тезисга қарама-қарши бўлган ҳукмга айтилади. Антитезиснинг қандай бўлишига қараб апагогик ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. **Апагогик** исботлашда антитезис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижалар чин фактлар,

аксиомалар, илмий маълумотлар билан солиштирилиб хатолиги кўрсатилади ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларнинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади.

Раддия - илгари сурилган тезиснинг хатолигини ёки асоссизлигини аниқлаш йўли билан исботни бузишга қаратилган мантикий амалдир.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг чинлигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий холи деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), асослар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва рад қилиш усулидан ташкил топган.

Назарий ва амалий масалаларни муҳокама қилиш жараёнида турли хил таклифлар, муаммони ҳал қилишнинг турли вариантлари тўқнаш келади. Муҳокама қилиш бундай ҳолларда дискуссия шаклига киради. Иштирок этувчиларнинг сонига қараб дискуссия икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин.

Маълум тезисни илгари сурган ва ёқлаётган дискуссия аъзоси пропонент деб аталади, унга қарши чиққан аъзо эса оппонент деб аталади.

Ҳал қилинмаган, тортишувли масалаларни муҳокама жараёнида ўзаро таклифларни танқидий анализ қилиш орқали борадиган дискуссияга полемика дейилади.

Рад қилиш амали илгари амалга оширилган исботни бузишга қаратилганлиги учун, танқидий чиқишнинг мақсадига қараб у бир неча хил амалга оширилиши мумкин: 1) тезисни танқид; 2) асосларни танқид; 3) рад этиш усулини танқид.

Тезисни танқид – пропонент илгари сурган тезиснинг хатолигини кўрсатишга қаратилган жараён.

Асосларни танқид фактларни нотўғри таҳлил қилинганлигини қайд қилиш, статистик маълумотларни умумлаштиришда йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш, пропонент тилга олаётган экспертга ишончсизлигини билдириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Исботлаш усулини танқид жараёнида пропонент фикрларида асос билан тезис ўртасида мантикий алоқа йўқлиги кўрсатилади.

Баҳсли саволларни муҳокама қилиш далиллашнинг рационал усул ва қоидаларига амал қилинган ҳолларда чин хулосаларга олиб келиши мумкин.

Исботлашнинг тўғри бориши учун унинг қоидаларига риоя қилиш керак бўлади. Акс ҳолда исботлашда хатолар учрайди. Хато деб, асосан, эҳтиётсизлик ёки билмаслик натижасида фикрлаш жараёнида мантикий қоидаларни бузиш ҳолларига айтилади. Бу хатолар паралогизмлар, софизмлар, парадокслардир. Бундай хатолар паралогизмлар деб аталади. Агар оппонентни адаштиришни мақсад қилиб мантиқ қоидалари қасддан бузилса, бундай хатолар софизмлар деб аталади. Исботлаш қоидалари тезисга, асосларга, исботлаш усулига алоқадордир:

- 1) тезис имконияти борича қисқа ва аниқ ифодаланган бўлиши керак;

- 2) тезис суҳбат бошидан охиригача ўзгармаслиги керак;
- 3) асослар тезисга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил равишда исботланган фикрлар дейилади;
- 4) асослар тезиснинг исботи учун етарли бўлиши керак;
- 5) тезиснинг чинлиги мантиқий равишда асослардан келиб чиқиши керак. Бунинг учун хулоса чиқариш қоидалари ва тафаккур қонунларига риоя қилиш керак.

Исботлаш қоидаларидан қайси бири бузилса хатоликлар келиб чиқади:

1-қоида бузилса, тезисни баён қилган киши нима демоқчи эканлиги номаълум бўлиб қолади. Агар 2-қоида бузилса, бошқа бир предмет ё ҳодиса ҳақида, кейин эса бошқа ҳодиса баён этилади. Бунда аввалги тезис ҳам, кейинги тезис ҳам исботланмай қолади. 3-қоида бузилса, исботлашда айлана ҳодисаси рўй беради. Бу хато асосий хато деб ҳисобланади. Унда исботлаш учун аввал далилларнинг ўзини исботлаш тўғри. Баъзан тезис билан асослар ўртасидаги мантиқий алоқа йўқолади. 3-қоида бузилганда, инсонга аргумент, оммага аргумент каби хатолар келиб чиқади. 4-қоида бузилса, келтирилган асослар тезиснинг чинлигини кўрсатиш учун камлик қилади. 5-қоида бузилса, хулоса чиқариш қоидаларининг бузилганлиги тафаккур қонунларига риоя қилинмаганлиги учун асос бўлади.

Исботлаш ва рад этиш жараёнида ҳар хил хатоликлар учраб туради. Улар тўғри, фикр юритиш қоидаларини бузиш натижасидир. Агар хато мантиқ қоидаларини қасддан бузиш натижаси эмас, балки эҳтиётсизлик ёки билмаслик натижаси бўлса, у **паралогизм** деб аталади. Оппонентни адаштиришни кўзда тутиб, қасддан мантиқ қоидаларини бузиш натижасида хатога йўл қўйиш **софизм** ҳисобланади. Баъзан парадокслар ҳам учраб туради. **Парадокс**-бирорта ҳукмнинг ҳам чинлиги, ҳам хатолигини исботлайдиган мулоҳазадан иборат.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Далиллаш деб нимага айтилади?
2. Исботлаш деб нимага айтилади?
3. Исботлашнинг таркибига нималар киради?
4. Исботлашнинг қандай қоидалари бор?
5. Рад этиш деб нимага айтилади?
6. Рад этишнинг қандай усуллари бор?
7. Исбот этиш ва рад этиш қоидаларини айтиб беринг.

Муаммо. Гипотеза. Назария.

1. Муаммо ва унинг билишдаги роли.
2. Гипотеза билимларнинг тараққий этиш шаклидир.
3. Назария илмий билимлар тизими сифатида.

Билиш маълум бир муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш тарзида содир бўлади.

Муаммолар ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўлиб, улар муаммоли вазият юзага келиши натижасида қўйилади. Муаммоли вазият янги қайд

қилинган фактларни мавжуд тушунчалар, қонунлар, принциплар ёрдамида тушунтириб бўлмайдиган ҳолларда вужудга келади. Бундай ҳолларда масалани қўйиш, муаммони қўйиш ва уларни ҳал қилишнинг янгича усуллари кидириш лозим бўлади.

Муаммоли вазият билиш тараққиётининг туб бурилиш давларида, амалий ҳаётимизда, хусусан, ҳуқуқшунослик амалиётида мураккаб вазиятлар вужудга келган вақтда яққол намоён бўлади. Масалан, ана шундай вазият XIX охири ва XX аср бошларида табиатшуносликда, 1-навбатда физикада қилинган кашфиётлар натижасида вужудга келган. Хусусан, электроннинг кашф қилиниши атом ҳақидаги илгариги тасаввурларга зид келади. Электроннинг табиатини атомнинг бўлинмас зарраси эканлиги ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқиб тушунтириб бўлмасди. Ҳуқуқшунослик амалиётида ҳам тез-тез муаммоли вазиятлар вужудга келади. Бундай ҳолларда ностандарт бўлган йўллардан, усуллардан фойдаланилган ҳолда иш тутилади.

Муаммонинг ифода қилиниши шакли саволдир. Ҳуқуқшунослик амалиётида саволни тўғри қўйиш ва унга тўғри жавоблар кидириш муҳим аҳамият касб этади.

Савол ўзининг аниқ маъносига эга бўлган ҳолда қўйилган бўлиши керак. Саволлар турли хил бўлади. Баъзилари мавжуд факт ҳақидаги билимларни тўлдиришга хизмат қилса, мавжуд тасаввурларни аниқлаштиради, бошқалари бутунлай янги маълумотлар олишга хизмат қилади. Худди шунингдек, жавоблар ҳам турли хил бўлади. Хусусан саволга бевосита ва билвосита жавоб бериш мумкин. Муаммони ҳал қилиш жараёнида маълум фаразлар қурилади ва асосланади.

Фараз ёки гипотеза ўрганилаётган ҳодиса (факт) ҳақида маълум бир тахминий фикрларни илгари суриш ва асослашдан иборат бўлган мантикий амалдир. Гипотеза (грекча сўздан: тахмин, тахминий билим, фараз демакдир).

Гипотеза иккита босқичдан ташкил топади: 1) гипотезани баён қилиш; 2) уни исботлаш.

Гипотезани баён қилиш учун қайд қилинган факт тўлалигича ўрганилиши лозим. Гипотезани баён қилиш шартлари:

- 1) маълум билимга эга бўлиш керак;
- 2) фактлар тўплаш керак;
- 3) фактларни солиштириш керак;
- 4) бу фактларни илгари ҳосил бўлган билимларга солиштириш керак.

Гипотезани баён қилиш учун бизнинг фикримиз силлогизмнинг 3-фигураси шаклида, айирувчи силлогизм шаклида тўлиқсиз индукция шаклида, хусусиятлар аналогияси шаклида бўлади. Уларнинг ҳулосаси билимни ифодалайди.

Гипотезани исботлаш жараёнида эса тажриба натижалари умумлаштирилади ва ҳосил бўлган умумлашмалар исботлаш қоидаларига мувофиқ ҳолда асосланади. Гипотезани исботлашда фикримиз силлогизмнинг 1-, 2-фигураларига асосланади. Баъзан тўлиқ индукция, баъзан муносабатлар аналогияси орқали бўлади. Гипотезалар икки гурппага :

- 1) илмий ва 2) сунъийларга бўлинади.

Бу номлар шартли равишда қабул қилинган. Илмий гипотезалар бир-бири билан боғлиқ бўлган бир қанча предметлар, ҳодисалар ҳақида айтилган бўлиб, уларнинг тасдиқланиши натижасида назариялар ҳосил бўлади. Бу турли аксиомалар, қоидалар, қонунларда, принципларда ўз ифодасини топади.

Сунъий гипотеза битта алоҳида олинган предмет ё ҳодисанинг бирор томонига нисбатан айтилган бўлиб, унинг исбот қилиниши натижасида исбот қилинган ҳақиқат фанга янгилик киритмайди.

Гипотезалар умумий, хусусий бўлиши мумкин. Умумий гипотеза бош, асосий муаммони ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ. Умумий гипотезани асослаш жараёнида ўрганилаётган ҳодисанинг айрим томонларига тааллуқли бўлган хусусий гипотезалар курилади ва асосланади. Шунингдек, билиш ва амалиётда ишчи гипотезалардан ҳам фойдаланилади, улар умумий ва хусусий гипотезаларни асослаш жараёнида ёрдамчи восита сифатида ишлатилади. Ҳуқуқшунослик амалиётида гипотезалардан кенг фойдаланишади. Жиноят ва уни келтириб чиқарган ҳолат ҳақида суд версиялари курилади. Версиялар бир-бири билан боғлиқ бўлиши мумкин, бир-бирига зид бўлиши мумкин. Уларнинг тасдиқланиши ёки рад этилиши умумий фикрнинг тасдиқланганлиги билан боғлиқ. Гипотезаларни оддий фаразлар, фантазиялардан фарқ қилиш керак.

Гипотеза тасдиқлангач, чин билимга айланади. Шу жумладан, назарияга айланади. Чин билим бир қанча кўринишларда бўлиши мумкин: таърифлар, ҳукмлар, ғоялар, аксиомалар, назариялар.

Назария маълум бир соҳага оид бўлган мавжуд билимларни умумлаштириб, предмет ҳақида яхлит ва нисбатан тўла, яъни конкрет билим ҳосил қилишга имконият беради. Назария бир томондан, мавжуд билимларни системага солса, 2-томондан маълум бир янги умумлашмалар ҳосил қилиш билан билишнинг тараққий этишига сабабчи бўлади. Назарияларнинг турли хил типлари мавжуд. Масалан, табиатшуносликнинг мазмундор назариялари, гипотетик-дедуктив назариялар, формаллашган назариялар мавжуд. Бу назариялар уларни қурадиган методлар, усуллари билан фарқ қилади.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1.Муаммо деб нимага айтилади?
- 2.Саволларнинг қандай турлари бор?
- 3.Гипотеза деб нимага айтилади?
- 4.Гипотеза нечта босқичдан ташкил топади?
- 5.Гипотезанинг қандай турлари бор?
- 6.Назария деб нимага айтилади?
- 7.Қандай назарияларни биласиз?